

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**«ЖУРНАЛИСТИКА ВА КОММУНИКАЦИЯ  
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ-  
КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИГ  
ҚЎЛЛАНИШИ»  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: **ЎзМУ, доценти Т.У.Эшбеков**

Такризчи: **Сеул Вонтай (Жанубий Корея)  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети профессори**

*Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУнинг ..... кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	13
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	44
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	48
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	49
VII. ГЛОССАРИЙ .....	51
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	58

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Журналистика ва коммуникация фаниларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

Замонавий операцион тизимлар **модулининг мақсад ва вазифалари:**

Журналистика ва коммуникация йўналишида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларининг устувор вазифаси тингловчиларнинг касбий тайёргарлигини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда шакллантиришдан иборат. Ушбу жараёнда тингловчиларда:

- мультимедиа тушунчаси, мультимедиа воситалари, мультимедианинг дастурий таъминоти ва маҳсулотлари, ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва унинг қурилмаларини;
- электрон таълим ресурслари ва уларнинг турлари;
- масофавий ўқитиш ва уни ташкил қилиш усуллари;
- масофавий таълим жараёнини яратиш босқичлари;
- масофавий курслар яратишнинг концептуал асослари;
- масофавий ўқитиш тизими учун электрон таълим ресурсларини яратиш технологияси;
- очиқ таълим тушунчаси, LMS тизимлар таҳлили;



- Moodle платформаси асосида ўқув жараёнини ташкиллаштириш каби билим ва кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.**

“Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланиши” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- мультимедианинг компонентлари; мультимедианинг бажарилиш шартлари, мультимедианинг дастурий таъминоти; мультимедиа компонентларини солиштириш, -сақловчи технологияларни, CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray, мультимедиа файл форматларини, мультимедиа плейерларини; мультимедианинг қўлланилишини, видео конференция технологияларини, медиа соҳаларини, рақамли аудиони, аудио файлларини, сэмплинг методини; файлларни сақлаш усулларини; аудио ва видеони таҳрирлашни; мультимедиа электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар)дан фойдаланишни, электрон таълим ресурсларини, масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойилларини, мультимедиа маърузалар категорияларини **билиши керак;**

**Тингловчи:**

- муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш, масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асосларидан фойдаланиш; масофавий таълимни ташкил қилиш усулларини қўллаш; масофавий таълим жараёни босқичларини амалга ошириш; таълим жараёнида эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлилини амалга ошириш; LMS тизимларининг асосий функцияларини қўллаш; Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш; Moodle тизимида ўқув контентларини шакллантириш ва бошқариш, Оммавий онлайн очиқ курслар (Coursera, edX, Khan Academy, MIT Open Course Ware)ларни қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши зарур;**

**- Тингловчи:**

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ташкил этишда мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш, масофавий таълим тизимлари имкониятларидан, интернет тармогида мавжуд электрон ахборот ресурсларидан фойдалана олиш, очиқ онлайн курсларидан фойдалана олиш **малакаларини эгаллаши** лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланиши” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари кўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги "Инновацион таълим технологиялари", "Замонавий таълим ва инновацион технологиялар буйича илгор хорижий тажрибалар.", "Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш" ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат килади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилишини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **“Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланиши”**

#### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Жами	
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1	Мультимедиа ва медиатаълим асослари	6	4	2	2		2
2	Электрон таълим ва масофали ўқитиш технологиялари	6	4	2	2		2
	Жами	12	8	4	4		4

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-Мавзу: Мультимедиа ва медиатаълим асослари**

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD,

DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар). Замонавий журналистика ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш омиллари. Медиаатаълим тушунчаси ва унинг пайдо бўлиши. Медиапедагогика ресурслари. Замонавий ахборот жамиятида медиатаълимнинг ривожи. Замонавий ахборот технологияларининг олий таълим жараёнида қўлланилиши. Медиатаълимни асосий мақсади. Медиатаълим: халқаро ва миллий тажрибаларни ўрганиш.

## **2-Мавзу: Электрон таълим ва масофали ўқитиш технологиялари**

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали маърузалар категориялари. Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш. Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) тараққиёт омили. Жамият тараққиётида “электрон ҳукумат”нинг ўрни. Давлат бошқарувга АКТни жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари ва босқичлари. Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ечиш йўналишлари. Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Ахборотлашган жамиятда медиатаълимнинг ўрни. Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **1-амалий машғулот**

##### **Мультимедиа ва медиатаълим асослари**

Мультимедианинг дастурий таъминоти билан танишиш. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Мультимедиа файл форматларини амалда кўриш ва тегишли машқларни бажариш. Мультимедианинг қўлланилишини амалда бажариш. Видео конференциясини ташкил этиш ва унда қатнашиш. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар). Электрон таълим тизими фаолияти билан бевосита танишиш. Ҳар бир педагогнинг ўқув дастурларидан тортиб маъруза матнлари ва бошқа маълумотларининг ЭТТга жойлаштирилиши. Ўқув жараёнларида ЭТТдан самарали фойдаланиш усуллари.

#### **2-амалий машғулот**

##### **Электрон таълим ва масофали ўқитиш технологиялари**

Электрон таълим ресурслари билан танишиш. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш усуллари ўрганиш. Мультимедиали

маърузалар матнларини яратиш маҳоратини ўрганиш. Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш ва амалда қўллаш. Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асосларини ўрганиш. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари билан танишиш. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)га оид ҳужжатлар билан танишиш. Жамият тараққиётида “электрон ҳукумат”нинг ўрнини аниқлаш ва бу борада амалда эришилаётган натижаларни ўрганиш. Давлат бошқарувга АКТни жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари ва босқичлари билан танишиш. Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ечиш йўналишлари. Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари қандай ўрин тутаётганини аниқлаш. Ушбу соҳада ахборот хавфсизлигини таъминлаш амалиётини ўрганиш.

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий ҳужим, Венн диаграммаси, концептуал жадвал) усул ва технологиялардан фойдаланилади;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини



ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**1 балл**.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози бериледи. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



### Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот бериледи ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда

муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказдилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- катнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

• - иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр: “Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланиши қандай натижа беради?”.**

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Мультимедиа ва медиатаълим асослари

##### **РЕЖА:**

- 1.1. Медиатаълим тушунчаси ва унинг пайдо бўлиши.
- 1.2. Замонавий ахборот жамиятида медиатаълимнинг ривожси.
- 1.3. Замонавий ахборот технологияларининг олий таълим жараёнида
- 1.4. Ўқув муассасасида электрон таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар.

**Таянч иборалар:** масофавий таълим, мультимедиа, ахборот, жамият, телевидение, радио, кинематограф, медиа, оммавий наир, компьютер, глобаллашув, концепция, оммавий ахборот коммуникациялари, тармоқ, веб-сайт.

#### **1.1. Медиатаълим тушунчаси ва унинг пайдо бўлиши.**

Маъруза аввалида айрим атамалар моҳиятига эътибор қаратамиз:

«Мультимедиа» термини “кўп муҳит” деган маънони англатади ва матн, товуш, графика ва видео элементларининг ягона ахборот объектида жойлашуви тушунилади (назарга тутилади).

**Тизим** - ўзаро боғлиқ элементлар тўпламини ташкил қилади, улар бир мақсад учун тўпланган ва умумий мақсадга эришиш учун маълум қоида асосида муносабатда бўлади.

**Масофавий ўқитиш** – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртки ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

**Масофавий ўқиш** – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимидир. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиш жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

**Масофавий таълим** – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуидир.

**Масофавий ўқитиш тизими** – масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари



масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.

Маълумки, глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари кўп. Айниқса, “ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча худудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданият бойликларини ўзлаштириш учун, улкан имкониятлар яратадиган жараён”<sup>1</sup> ҳисобланади. Мутахассислар фикрича, айтиш дамбада глобал ахборот жамиятини вужудга келишининг сабаблари қуйидагича:

1. Илмий-техника тараққиёти қонунияти;
2. Глобализация талаблари;
3. Халқаро ҳамжамият томонидан ушбу соҳани муҳимлиги тан олиниси.

Кези келганда айтиш жоизки, ана шу глобаллашув жараёнларида ана шу ахборот технологияларидан баъзи ёвуз кучлар ғаразли мақсадларда фойдаланаётганларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Улар ўз саъй-ҳаракатлари билан кишиларнинг тинч-фаровон ҳаётига раҳна солаётганлари ташвишли ҳолдир. Интернет орқали уюштирилаётган ахборот хуружлари ёшлар онгини заҳарлаши уларнинг келажагига болта уришдан бошқа нарса эмас. Зотан, “инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан куролланган, турли манбалардан озуқаланадиган мафкураларнинг асосий мақсадига”<sup>2</sup> айланган даврда бу замонавий коммуникация технологияларидан кўпроқ ижобий мақсадларда фойдаланиш йўллари топишимиз мақсадга мувофиқдир. Ана шундай самарали йўллардан бири – таълим соҳасини медиа технологиялари билан янада такомиллаштиришдир. Буни бир сўз билан: медиатаълим, деб аташади.

Медиатаълим – ўқувчиларнинг оммавий коммуникациялар орқали таълим олиши, деб тарифлаш мумкин. Медиатаълимнинг мақсадларидан яна бири – “ахборот асри” деб ном олган ҳозирги даврда янги авлодга пухта билим бериш, ўғил-қизларни чинакам ҳаётга тайёрлаш, уларнинг турли ахборотлар ва маълумотларни қабул қилишларига кенгрок имконият яратишдан иборат. Бу ахборотлар ёшлар руҳиятига қандай таъсир ўтказаетганини ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ахборотлашган жамиятда барча соҳалар қатори таълим тизимини ҳам ривожлантиришда медиа, яъни, телевидение, радио, кинематограф, оммавий нашрлар, компьютер технологиялари, инчунин, интернет ғоят муҳим ўрин тутди. Ягона ахборот маконида янги билимлар, илмий кашфиётлар ҳамда инновацион лойиҳалар сони ва салмоғи тўхтовсиз ортиб бормоқда. Шунинг баробарида айнан таълим тизимида оммавий ахборот коммуникациялари орқали берилаётган ахборотлардан самарали фойдаланиш зарурияти тобора ошмоқда. Фуқароларда, айтиқса, улғайиб келаётган ёшларда **ахборот олиш маданиятини** шакллантириш энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Демак, ахборот глобаллашуви шароитида медиатаълим қанчалик муҳим ўрин тутишини изоҳлашга ҳожат қолмаган. Инсоният онгини медиа томонидан

<sup>1</sup>Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.: Ўзбекистон, 2000, 23 б.

<sup>2</sup>Ўша манба, ўша жойда.

зимдан бошқарилиши чинакам воқеликка айланган. Канадалик машҳур социолог Герберт Маршалл Маклюэн таъбири билан айтганда, бугунги кунда ҳақиқий саводхонликка эришиш учун “медиаоламида саводли бўлиш” лозим.

Медиатаълим моҳияти ҳақида сўз юритар экан, профессор А.Федоров уни оммавий мулоқот маданиятини шакллантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади. Яъни, бу жараёнда ёш авлоднинг ижодий тафаккурини юксалтириб бориш имкониятлари чексиз. Ўқувчиларининг медиаматнларни тўлақонли идрок этиши билим ва савиясини оширишга хизмат қилади. Ҳар бир ўқувчи медиатеҳника ёрдамида ўз имкониятларини намоён этишида оммавий коммуникация (медиа) воситалари ва материаллари ёрдамида жуда кўп билимларга эга бўлиши мумкин. Фақат, бу ўринда медиасаводхонлик масаласига жиддий эътибор қаратиш зарур. Телевидение, радио, видео, кино, матбуот, интернетни доимо кузатиб борган инсон медиамаданият моҳиятини теранроқ англайди. Бинобарин, медиатаълим кишиларни, айниқса, ёшларни ахборотлашган жамият ҳаётига тайёрлашда беқиёс вазифани бажаради.

Ўзбекистонда эса медиатаълимни аввало мактабгача таълим муассасалари, сўнгра босқичма-босқич умумий ўрта, ўрта махсус касб-ғунар таълими, олий таълим ҳамда олий таълимдан кейинги таълим, ниҳоят, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимига жорий этиш лозим. Шунини таъкидлаш лозимки, медиатаълимнинг жамиятда жорий қилиниши инсонларнинг танқидий тафаккурини ривожлантиради, бу эса ўз навбатида медиаведеиациянинг олдини олади.<sup>3</sup>

Internet теҳнологияларининг кириб келиши бир неча асрлар давомида ўзгармай келган ҳолатларни ўзгртириб юборди. Бу одатдаги хат ёзишмалари электрон почта билан, кутубхоналар эса web-сайтлар билан алмашилишида намоён бўлди.

Эндиликда эса таълим тизимида таълим олишнинг анъанавий шакллари ўрнига веб муҳитида масофавий таълим элементлари кириб келди.

Масофавий таълим – ахборот-таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мулжалланган маълумотлар узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро алоқалар протоколлари, аппарат дастурлари ва ташкилий-методик таъминотлар системали-ташкилий тўпламидан иборат.

Масофавий таълим – ўқувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни, ўқитиш жараёнида ўқувчиларни ва ўқитувчиларнинг интерактив ўзаро алоқаларини, талабаларга ургатилаётган материални мустақил ўзлаштириш буйича мустақил ишлаш имконини беришни ҳамда, ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот теҳнологиялари тўплами.

Ахборот коммуникация теҳнологиялари таълим жараёнида (хусусан, масофавий таълим жараёнини) қўллаш асосан икки хил кўринишда амалга

---

<sup>3</sup> Рустамова Н.Р. «Медиа экспансия и медиаобразование в обществе». Актуальные проблемы современной науки, Информационно-аналитический журнал, Москва – 2013 г.

оширилади. Биринчи шарт бу техник жиҳозлар бўлса, иккинчиси шарт эса махсус дастурий таъминотлар билан таъминланганлигидир.

1. Техник жиҳозлар билан таъминланганлик: компьютерлар, тармоқ қўрилмалари, юқори тезликдаги интернет тармоқлари, видео конференция жиҳозлари ва ҳаказо.

2. Дастурий таъминотга: Мавжуд қўрилмаларни ишлатадиган дастурий таъминотлардан тортиб шу соҳа учун мўлжалланган дастурлар тўплами киради. Сўнгги йилларда Ғарбда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган Интернет ёки Интеранет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим турини Elearning (электрон таълим) атамаси билан кириб келди.

**Электрон таълим** – ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги таълимнинг турли кўринишларини англатувчи кенг тушунчадир.

Elearning ўз ичига электрон ўқув контентларни билим олувчига етказиш усулидан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга ажаратиш мумкин.

- Электрон ўқув контентларни лезерли дискларда билим олувчига почта орқали етказиш усули илгаридан кенг тарқалган масофадан ўқитиш элементи ҳисобланади. **Бу усул “Кейс” технология деб ном олган.**

- Электрон ўқув контентлар билим олувчиларга мобайл телефонлар орқали етказиб бериш орқали ўқув жараёни ташкиллаштириш тури ҳозирда mlearning деб ном олди. Бу турдаги мобайл таълим билим олувчи учун катта имкониятларни беради хусусан, билим олувчининг шахсий компьютери булиши шарт эмас, шу билан бир қаторда ҳозирги вақтда смартфонларнинг нархи шахсий компьютарларнинг нархидан анча арзон ҳисобланганлиги сабабли бу усул орқали билим олиш самарали ҳисобланади. Mlearning (мобайл таълимда) билим олувчи смартфон орқали электрон ўқув контентларга ихтиёри географик жойдан кириши мумкин.

- Электрон таълимнинг яна бир тури ҳозирги вақтда ижтимоий тармоқлар орқали ўқув жараёнини ташкиллаштириш ҳисобланади. Бу турдаги ўқув жараёнини ташкиллаштириш учун махсус ўқитиш тизимининг (LMS) бўлиши шарт эмас. Бу турдаги ўқув жараёнини ташкиллаштириш асосан фан ўқитувчиларининг шахсий ташаббуслари орқали амалга ошаётганини кузатиш мумкин. Бундай турдаги ўқув жараёни фан ўқитувчисининг ўзининг фани бўйича электрон ўқув контентларини талабаларига етказишнинг энг оддий ва эффектив бўлган усули ҳисобланади.

- Ҳозирги вақтда кўпгина академик таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкиллаштиришда ва бошқаришда вебга йўналтирилган махсус LMS тизимларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкиллаштириш анъана бўлмоқда.

Электрон таълимни ташкиллаштиришнинг кўпгина манбалари орасидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Муаллифлик дастурий маҳсулотлари (Authoring tools);
- Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар LMS (Learning Management Systems);
- Ички контентни бошқарув тизимлари CMS (Content Management Systems).

Бугунги ахборот асрида жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларини, шу жумладан таълим соҳаси ривожланишини “медиа” (яъни: телевидение, радио, кинематограф, оммавий нашрлар, компьютер ахборот тизимлари)сиз тасаввур қилиш қийин. Ахборот маконини глобаллашуви ва унинг “очиқлиги” заминидан янги билимлар, фактлар, қарашлар, концепцияларнинг оқими шиддат билан ортиб бормоқда ва оммавий ахборот коммуникациялари орқали берилаётган ахборотлардан фойдаланиш муаммоси пайдо бўлмоқда. Ҳозирги кунда ахборотларнинг мазмунини ҳам, уларни оммавий ахборот тармоқлари орқали тарқатиш усуллари ва йўллари ҳам назорат қилиш амалда қийин бўлиб бормоқда. Ахборотнинг бундай аралаш-қуралашлиги таъсирида ўқувчининг мустақил равишда тафаккур қилиши муаммоси, унинг қарашларини, қадриятларини ва идеалларини шаклланиши масалалари ўқувчи онгида ахборот оламини тартибга солиш йўллари излашни, ахборот билан муомала қилишнинг янги усул ва кўникмалари тизимини ишлаб чиқиш ва шакллантиришни тақозо этмоқда. Боз устига жаҳондаги таълим амалиётида бу соҳадаги изланишлар ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ бошланган ва педагогика фанида ўзига хос йўналиш – медиатаълим пайдо бўлиб, шаклланиб бормоқда. Медиатаълим – талабаларга бериладиган дарс, билим, маълумотнинг тез, тушунарли ва ёдда қоладиган бўлишини таъмирловчи таълим усули. Талаба ўқитувчининг айтиб берганидан кўра, кўргазмали қилиб кўрсатиб берганидан кўпроқ таъсирланади, ёдида кўпроқ қолади ва унинг ўша ўқитувчи, ўша дарсга нисбатан қизиқиши ва меҳри ортади. Баъзан зерикарли дарслардан чарчаган талаба ўқишга қайта берилиб кетади. Бир неча дарсларда бу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Медиатаълим инглизча “media education” сўзидан бўлиб, лотинча медиа – омил деганидир. Медиатаълим ўқувчиларга таълим бериш жараёнида янгича усуллардан фойдаланишни талаб этади. Медиапедагогика – янги педагогик технологоядир, у оммавий ахборот воситалари ёрдамида ўқувчиларни ижодий фикрлашга, тарбиялашга имкон беради. Медиапедагогика ресурсларига интернетдаги маълумотлар, телевидения, радио лавҳалари, кино, видео, аудио материаллар киради.

Замонавий ахборот жамиятида медиатаълим ривожини тенденциялари ҳақида сўз юритилганда айрим мутахассислар дунёнинг қатор давлатларида кузатилаётган таълим инқирози турли кўринишлари кўпинча жамиятдаги баъзи келишмовчиликлар билан боғлиқ ҳолда моддий захираларни қайта ишлаб чиқариш асосларига таянилишига эътибор қаратади. Бугунги кунда ахборот энергия ва материаллар қаторида асосий захира бўлиб келяпти. Ахборот захиралари асосий миллий бойлик ҳисобланиб, давлатнинг иқтисодий салоҳиятини аниқлайди. Ахборот сонининг ўсиши мавжуд бўлган қайта ишлаш воситалари, узатиш, сақлаш ва интеграциялаш имкониятларидан ўзди. Айниқса, илмий билимлар хажми ўсмоқда, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти муттасил ошиб бормоқда. Ахборотлаштириш жараёнида чинакам ахборот жамияти вужудга келганини изоҳлашга ҳожат қолмаган. У ахборот технологияларини юқори даражаси билан ажралиб туради, ривожланган инфраструктуралари ахборотга киришни таъминлайди, ахборот захиралари ишлаб чиқариш, тезкор

автоматлаш жараёни, ишлаб чиқариш ва бошқарув тармоқларини роботлаштириш, ижтимоий структураларнинг радикал ўзгариши – барчасининг негизида ахборот фаолияти муҳитини кенгайтириш ётади.

Янги медиа, шунингдек видео, сунъий йўлдошлар ва телекоммуникация технологияларининг ишлатилиши кенгайди. Монополиядан мусобақага, бир томонлама коммуникациядан ўзаро харакатланиш ва диалог томон силжиш бўлди. Медиа-технологиялар сони бутунлай ўсди, шу қаторда эски медиа шакллари микрокомпьютерларни ишлатиш билан кўшилди. Тасвир, овоз ва матн бирлашди, аудиовизуал маданияти кундалик ҳаётга айланди. Жамиятни ахборотлаштиришга технологияларни фаол кириб келиши олий таълимнинг база тизимига ўз таъсирини кўрсатди.

## **1.2. Замонавий ахборот жамиятида медиатаълимнинг ривожи.**

Замонавий ахборот технологиялари ютуқларини олий таълим жараёнида қўллаш талабаларга ноанъанавий ахборот қабул қилишга имкон беради, ижод қилишга янги имкониятлар беради ва мустақил ишлаш самарадорлигини оширади. Бу фактлар янги ахборот структураси яратилишга ёрдам беради – таълимий муҳитга – ахборот технологияларни юқори даражаси, ахборотни қабул қилувчига етказиш ва кўрсатиш, ривожланган воситалари билан хусуслашган технологиялар ва таълим жараёнини ҳамда ўқувчиларни билимини назоратга олиш воситаларини ташкиллаштириш, ўқув-услугий ва лаборатор жихозлаштириш, марказлаштириш тавсифига эга.

Таълим соҳасини назарий ва амалий ишланмалар билан таъминлаш ва ахборот технологияларни қўллаш замонавий жамиятнинг зарурий йўналишларидан биридир. Замонавий “Педагогик – психолог луғати”да медиатаълим тушунчаси – “педагогикадаги оммавий коммуникацияларни ўқувчилар томонидан ўрганиш” деб тарифланган.

Медиатаълимни асосий мақсади – замонавий ахборот шароитларида янги авлодни ҳаётга тайёрлаш, турли ахборотларни қабул қилиш, уни тушунишга ўргатиш, руҳиятга таъсирини англаш, техник воситалар ва замонавий ахборот технологиялар ёрдамида коммуникацияларни новервал шакллари асосида муомала усулларини ўрганиши.

Мутахассислар фикрича, таълим ахборотлаштириши янги давлат таълим дастурини ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий воситаси деб тушунилади. Тор мутахассисли прагматик мақсадлардан фундаментал фанлараро билимларга ўтилади. Олий таълим муассасасининг ахборотлаштириш стратегиясида принципал дақиқаларидан бири деб таълим ахборотлаштирилишидан жамиятни ахборотлаштиришга ўтиш ҳисобланади. Таълим тизимини, жамият ҳаётини ахборотлаштириш таъсирини баҳолашда ҳозирги дақиқалик эҳтиёжлардан келиб чиқмай, балки тасаввурдаги келажак моделига таяниш зарур, чунки техник қоқоқлик ва самарасиз харажатлар шубҳасиз тайин. Олий таълим тизими юқори тажрибали ишчи кучини тайёрлаш манбаи сифатида иш билан таъминлаш соҳаси хусусиятларини кўзда тутиш керак ва шундай иш жойларига битирувчиларни тайёрлаш керакки, маъсулият сифати мунтазам ўзгариб турса, вертикал менежмент тармоқлига алмашса, ахборот турли



норасмий каналлар орқали узатилса, бўйсунидан кўра шахсий таклиф баҳоланса ва барча стратегиялар бирлашса, миллий чегаралар учун бозор муносабатлари экспансиясига асосланади.

Ўқув жараёни қатнашчиларини ахборотлаштирилишининг 2 турда йўналишдаги тенденциялари ҳозирги пайтда аниқланяпти. Биринчиси, турли ахборотлар кўпайиши, замонавий базалар ва маълумот банклари яратилиши, дастурий таъминот ва услубий, статистик материалларни нашрдан чиқариш билан кузатилади. Иккинчидан, қарама-қаршиси, объектив ва субъектив характерга эга ахборот оқимларини танлаш тенденцияси билан боғлиқ.

Объектив характерга эга чегаралашлар ёпиқ норматив далолатномалар билан боғлиқ юқори тўловлар киритилгани сабабли ахборотга кириш қисқартирилади. Субъектив характерга эга чегаралашлар ўқитувчиларнинг укувсизлиги ва талабаларни ҳолатга тез мослаша олмасликлари ва керакли ахборотни топа олмасликлари, улардан касбий фойдалана олмасликлари билан боғлиқ. Олий таълим доирасида ахборот технологияларни ишлатишнинг 3 та ўзаро боғлиқ соҳаларини ажратиш мумкин: аудитория машғулотлари учун, электрон кутубхоналар, Интернет.

Ўқув жараёнида компьютер технологиялари асосида ўқитилишини замонавий босқичида қўлланиши ўқитиш усули сифатида компьютерни мунтазам биринчи машғулотдан охиригисигача ишлатилиши кўзда тутилади.

Ўқитувчи компьютер дастурларининг яратилиши, айниқса махсус асбобларнинг ишлатилмаслиги – бу кун меҳнат талаб этувчи мушкул иш. Кўп ижодий жамоалар томонидан ишлатиладиган технология бир йил ичида 400-800 ахборот ва график кадрлардан иборат дастурий маҳсулот ишлаб чиқишга имкон беради. Айрим ўқитилиш компьютер дастурларини ишлаб чиқиш бир неча йилга чўзилади. 1 соатлик курсни тайёрлаш учун мутахассислар 50 дан 500 соатгача ишлайдилар. Бундай ишни 10-15 йил аввал жуда катта ва яхши молиялашган жамоалар бажарар эдилар. Соҳа мутахассисларидан бири Ж. Моррис фикрига кўра, 1984 йилда ишлаб чиқилган электрон курсининг 1 соати 10000 доллар қийматига эга эди. А. Борк эксперт кўрсатмаларига асосан 1985 йилда олий математикадан 6-семестрли автоматлаштирилган курсни ишлаб чиқишга 3-5 млн. долларли харажатлар кераклигини айтди. Ҳозирги кунда компьютер ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун харажатлар 3-5 баробар камроқ, лекин улар ҳам махсус молиялаштирилмаган кичик жамоаларга оғир келади. Бу эса таълимнинг қўшимчаларни ишлаб чиқиш ва тарқатилиши йўлидаги муаммолардан фақат кичик қисмидир. Таълим тизимининг фақатгина ўзида кўпгина педагогик тажрибаларни қўйиш ва уларни натижаларини баҳолаш мушкул.

Дунёнинг қатор етакчи давлатларида (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Франция ва бошқалар) 60-йиллардан бошлаб медиатаълимга асосий эътибор қаратила бошлади, у ўқувчи ва талабаларга медиамаданият дунёсига бемалол киришга ёрдам беради, оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишда, медиаматнларни таҳлил қилишни ўрганишда ёрдам беради. Дастлаб АҚШда медиамаданиятдан фарқли медиатаълим Канада ёки Франциядагидан сустроқ ривожланди, лекин 90 йилларга яқин Америка медиатаълим тизими

тузулганлиги хақида сўз юритиш мумкин, интернет тармоқлари, нашрлар, конференциялар тегишли сайт орқали бошқа давлатларга таъсир этади. АҚШда бир неча йирик медиатаълим ассоциациялари фаолият кўрсатяпти. (Center for Media Education) медиатаълим маркази Вашингтонда, Лос-Анжелосда медиабилымлар маркази, Шимолий Каролинадаги фуқаролар “медиабилымлар томонида” харакати (Citizens for Media Literacy) ва бошқалар. Медиатаълим обрўсининг ўсиши шунга олиб келдики, 90 – йилларда АҚШнинг 12 шаҳарида медиатаълим ва медиабилымлар бўлимларидан таълим стандартларига киритиш қабул қилинди.

**Хусусан, Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда медиа таълимнинг ривожланиш хронологияси:**

1. 1988 йил Саскачеван, Медиа таълим Ассоциацияси (Media Literacy Saskatchewan – MLS – ’88);
2. 1990 йил Манитоба, Медиа таълим Ассоциацияси (Manitoba Association for Media Literacy: MAML – ’90);
3. 1991 йил Британия Колумбияси, Медиа таълим Ассоциацияси (Association for Media Literacy: BCAME – ’91);
4. 1992 йил Квебек, Медиа таълим Ассоциацияси (Association for Media Literacy Quebec: AMEQ – ’92);
5. 1992 йил Янги Шотландия, Медиа таълим Ассоциацияси (Association for Media Literacy – Nova Scotia: AML-NS – ’92);
6. 1992 йил Оттава, Канада Медиа таълим Ассоциацияси (Canadian Association of Media Education Organizations (CAMEO));
7. 1993 йил Альберт, Медиа таълим Ассоциацияси (Alberta Association for Media Awareness: ААМА – ’93);
8. 1995 йил, Оттава Медиа таълим Тармоғи (Media Awareness Network/Réseau Éducation Médias);
9. 1997 йил Монреал, Медиа таълим ресурслари Маркази;
10. 2001 йил Нью-Брансуик, Медиа таълим Ассоциацияси (Association for a Media Literate New Brunswick: A4MLNB – ’01);
11. 2002 йил Ньюфаундленд, Лабрадор Медиа таълим Ассоциацияси (Association for Media Literacy Newfoundland and Labrador: AML-NL – ’02)

XX аср сўнггида Торонто шаҳрида Канада, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Италия, Автралия, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Бразилия ва Россия каби 54 мамлакат вакиллари иштирокида “Summit 2000: Children, Youth and the Media – Beyond the Millennium” номли Халқаро илмий-методик конференция ташкил этилди.<sup>4</sup>

Юртимизда эса медиа ривожини куйидагича: 2016 йилнинг 1 январь холатига кўра Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига асосланиб, UzReport томонидан берилган хабарга оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонун қабул қилиниб, кўплаб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди.

---

<sup>4</sup> Рустамова Н.Р. Ривожланган мамлакатларда медиатаълим тараққиёти (инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар мисолида)/ЎзМУ хабарлари – Тошкент, 2017 йил, №1 – Б. 319-320

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келаётганини таъкидлашни хоҳлардим. Бунинг тасдиғини охириги 8 йилда соҳа ривожини учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида қарийб 13 миллиард сўм маблағ ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1437 тани ташкил этаётгани уларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшилангани бизнинг бу борада қандай катта тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни кўрсатади.

Мамлакатимизда анъанавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра 332 та веб-сайт ОАВ сифатида рўйхадан ўтказилган. Теле ва радио каналлар ҳамда веб-сайтларнинг 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Шу билан бирга, <https://kun.uz> сайти берган маълумотга кўра, 2015 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра тузилган энг кўп ташрифга эга 1 млн.та сайтлар рейтингига (Top-1M) кирган .uz доменидаги сайтлар сони 430 тани ташкил қилган.

Шунингдек, ушбу рўйхатдан .ru (Россия) зонасидаги 43 836, .kz (Қозоғистон) 1 340, .kg (Қирғизистон) 96, .tj (Тожикистон) 66 та домен жой эгаллаган.

Маълумот учун, ҳозирда дунёдаги барча сайтлар сони тахминан 952 млн 543 мингтани ташкил қилади.

Бугунги кунда юртимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатаётгани электрон медиа тармоқларнинг самараси ва салмоғи ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги пайтда амалга оширган кенг кўламли ишларимиз натижасида ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланмоқда. Жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйича яна 84 та юқори қувватга эга бўлган телеузатгич мосламалари ўрнатилади ва шу тариқа барча ҳудудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олишга эришамиз.

Ҳозирги вақтда биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 520 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, яқин ўтмишда бу рақам бор-йўғи 24 соатга тенг эди. Айти пайтда миллий теледастурларимиз сунъий йўлдош орқали дунёнинг юздан ортиқ давлатларига узатилиб, жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданияти, бугунги сермазмун ҳаёти билан таништиришда катта роль ўйнамоқда.<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup> Рустамова Н.Р. Ўзбекистон медиа муҳити ва унинг ёшлар ҳаётидаги ўрни// Муғаллим ҳам узликсиз билимлендириу - Қорақалпоғистон Республикаси, 2016, №6-Б.84-85.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳам медиатаълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бутун жаҳонда глобаллашув жараёнлари жадал тус олган бугунги кунда замонавий коммуникация технологиялари мамлакатимизда таълим соҳасини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги деярли барча таълим муассасалари компьютерлар билан таъминланмоқда. Бу технология ҳар сонияда миллионлаб вазифаларни бажарар экан. Булар орасида медиатаълим учун хизмат қиладиган дастурлар ҳам талайгина. Демак, ундан таълим соҳасини янада такомиллаштиришда ҳам самарали фойдаланиш давр талабидир. Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шarti ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб беришнинг ҳожати йўқ”.

### **1.3. Замонавий ахборот технологияларининг олий таълим жараёнида қўлланилиши.**

ЮНЕСКОнинг қатор ҳужжатларида медиатаълимни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 2002 йилда бўлиб ўтган анжуманда қуйидагича тавсиялар берилди: “Медиатаълим ҳар бир мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг ўзини эркин ифодалаш ва ахборот олишга бўлган асосий ҳуқуқининг бир қисмидир, у демократияни қўллаб-қувватлашга имкон беради. Турли мамлакатлардаги медиатаълимга бўлган ёндашувлар ва ривожланишдаги фарқларни эътироф этган ҳолда қаерда имкони бўлса, миллий ўқув режалари доираларида, шунингдек, инсоннинг бутун ҳаёти давомидаги қўшимча норасмий таълим ва мустақил билим олиш доираларида уни жорий этиш лозим”.

Мутахассислар фикрича, ҳозирги пайтда шаҳарларда истиқомат қиладиган кишиларнинг ҳар куни 11 соат ортиқ вақти медиамулоқот билан боғлиқ экан. Аксарият хонадонларда телевизор ўртача 7 соату 38 дақиқа ёниқ тураркан. 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ҳафта мобайнида 25 соатдан ортиқ вақтини телевизор қаршида ўтказар экан.

Оилавий Уюшмаларнинг Миллий иттифоқи (UNAF – Union National des Associations familiaones) маълумотларга кўра, вояга етмаган болалар йил давомида ўртача 154 соат вақтини ота-оналар, 850 соатини ўқитувчилар билан ўтказиши аниқланган. Айни вақтда, экрандаги турли медиамулоқотлар болаларнинг 1400 соатини банд этар экан. Таассуфки, айрим ота-оналар ўз фарзандларининг электрон ОАВ (телевидение, форматли радио, интернет) билан машғул бўлишига кам эътибор қаратаётгани, бинобарин, назорат қилмаётгани боис улар онги турлича шаклланмоқда. Ваҳоланки, ёш боланинг эндигина шаклланаётган онгини ахборот хуружлари, мафкуравий таҳдидлар таъсиридан асраш оила ва мактаб тарбиясининг энг муҳим жиҳатларидан бирига айланган.

Юқорида кайд этилганидек, болаларни назоратсиз қолдирмасликнинг ёркин йўлларида бири – медиатаълимни такомиллаштиришдир. Болалар онгини тўғри шакллантиришда медиатаълимнинг ўрни катта эканлигини тадқиқотчилар ва педагоглар амалда исботладилар. Тадқиқотчилардан бири Б. Мак-Махон фикрича, террорчиликлар авж олган XXI асрда ёшларга медиатаълим бериш демократик жамиятнинг қатъий талабидир. Шу боисдан, болалар ҳаётига медиаахборот кириб келишидан ташвишланган жамиятнинг эҳтиёжи медиатаълим заруратини келтириб чиқарди.

Назариётчи Л.Мастерман бугунги медиатаълимнинг устуворлиги ва долзарблигини қуйидагича асослаб берган:

1. Медиаистеъмолнинг юксак даражаси ҳамда замонавий жамиятларнинг оммавий ахборот воситалари билан тўлиб-тошганлиги.

2. Медианинг мафкуравий муҳимлиги ва саноат тармоғи сифатида уларнинг аудитория онгига таъсири.

3. Медиаахборот миқдорининг тез ўсиши, уни бошқариш ҳамда унинг тарқалиши механизмлари кучайиши.

4. Асосий демократик жараёнларга медианинг жадаллик билан кириб келиши.

5. Барча соҳаларда визуал коммуникация ва ахборот қийматининг ортиши.

6. Мактаб ўқувчилари, талабаларни келажакдаги замон талабларига мос йўналиш билан ўқитиш зарурати.

7. Ахборотни хусусийлаштиришнинг такомиллашиб бораётган миллий ва халқаро жараёнлари.

Кўришиб турибдики, медиа кишилар ҳаётида ва таълим жараёнида кун сайин муҳим ўрин тутиб бормоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, медиатаълимнинг мақсадларидан яна бири – ёшларда замонавий ахборот технологияларига нисбатан муносабатларини тўғри шакллантиришдан иборат. Токи, таълим муассасаларини тамомлаб мустақил ҳаётга йўл олган йигит-қизлар ўз фаолиятлари давомида медиадан ижодий, илмий ва бошқа эзгу мақсадларда ҳам фойдаланадиган бўлсинлар.

Шу нуқтаи назардан медиатаълимнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

– замонавий ахборотлашган жамият шароитида янги авлодни турли ахборотларни тўғри тушунишга;

– унинг руҳиятга таъсири оқибатларини теран англашга;

– техник воситалар ёрдамида коммуникациянинг оғзаки бўлмаган шакллари асосида мулоқот усулларини ўзлаштиришга ўргатишдир.

Медиатаълимнинг асосий йўналишларини қуйидагилардан иборат:

– бўлғуси журналистларга медиатаълим сирларини чуқурроқ ўргатиш;

– олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларга медиамаданият бўйича курслар доирасида билим бериш;

– турли таълим муассасалари ўқитувчиларининг бу борадаги малакасини ошириш, ўқув муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар ва талабалар учун махсус ўқув курсларини жорий қилиш;



- кўшимча таълим муассасалари ва дам олиш марказларида (дам олиш уйлари, турли марказлар, клублар) медиатаълимни ташкил қилиш;
- телевидение, радио, интернет тармоғи ёрдамида мактаб ўқувчилари, талабалар ва катталарга масофавий медиатаълим беришни йўлга қўйиш;
- мустақил ва узлуксиз медиатаълим (бу инсоннинг бутун ҳаёти давомида амалга оширилиши мумкин).

Шуни таассуф билан айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда баъзи ёшларнинг дунёвий ахборот маконига киришга тайёр эмаслиги кўплаб мамлакатларда кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби – ўқитувчиларнинг медиасаводи анча пастлигидир. Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши лозим, деганларидек, бугунги мактаб ўқитувчиларидан тортиб олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларигача замонавий билимлар қатори медиатаълим сирлари, алалхусус, назарияси ва амалиётини мукамал билишлари талаб этилади. Улар аввало замонавий коммуникация моҳиятини тушунишлари, кундалик фаолиятида медиамаданият қоидаларига амал қилишлари мақсадга мувофиқдир. Таълимнинг барча босқичларида медиатаълимнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда коллежларнинг ўқув дастурлари ва ўқув режаларига ушбу йўналиш бўйича махсус курсларни киритиш зарур. Шу билан бир қаторда медиатаълим сир-асрорларини пухта ўргатадиган дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишнинг ҳам аллақачон фурсати етган.

Бу борадаги таклифларимиз қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув жараёнларида медиатаълим турли таълим муассасаларида (мактабгача таълим муассасаларидан тортиб олий ўқув юртларигача) босқичма-босқич ўтказилиши лозим.

2. Ҳар бир босқич учун алоҳида ўқув курслари ишлаб чиқилиши зарур. Ўқув курслари интерактив усулда, амалий машғулотларга бой, ОАВ ҳамда АКТ (ахборот коммуникация технологиялари)дан самарали фойдаланилган ҳолда ўтказилиши муҳимдир.

3. АКТ сир-асрорлари ва амалиётини пухта биладиган журналистларни таълим жараёнларига кўпроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

4. Худудий малака ошириш институтларида бу соҳадаги таълимни янада такомиллаштириш зарур.

5. Олий таълим муассасаларида медиатаълим бўйича мутахассислар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

6. Ушбу соҳада илғор хориж тажрибасини ўрганиш, бошланғич босқичда халқаро тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида чет элларда малака ошириш.

7. Дарслар қизиқарли, амалиёт билан боғлиқ ҳолда бугунги воқеликни акс эттирадиган, муҳими, давр талабига мос равишда ташкил этилиши лозим.

8. Таълим муассасалари бу борада ЎЗМУ журналистика факультети, Ахборот технологиялари университети олим-мутахассислари билан доимий ҳамкорлик қилишлари мақсадга мувофиқдир.

(Ушбу олий таълим муассасаларида ҳам медиатаълим ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш зарур).

9. Медиатаълимга бағишланган телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлаб, мақолалар ёритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

#### **1.4. Ўқув муассасасида электрон таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар.**

Таълим тизимини модернизациялашда медиатаълим масалалари муҳим аҳамият касб этади. Таълимнинг барча буғинларида тобора фаол қўлланилаётган медиатаълимнинг турли йўналиши, тур ва шакллари ўқувчилар, жумладан, ўқувчиларнинг маънавий кучи, қобилиятларини очиш учун мақбул шароит яратиш, таълим тизимига янгича гуманистик йўналганлик бахш этади. Медиатаълим ўзининг технологик инфраструктураси, ўз таянч таълим технологияларига эга.

Медиатаълимнинг асосий мазмуни медиа-маданият кино санъати бадиий телевидения ва бадиий медиа тилини унинг тарихини билиш тушунишдир. Медиатаълим – ўқув жараёни ва унинг барча дидактик шарт-шароитларни такомиллаштирувчи ходисадир. Таълим жараёнида медиатаълимни ташкил этишда ўқув предметларининг материаллари ниҳоятда талабчанлик билан мувофиқлаштирилиши лозим. Ўқитувчи ўрганилаётган материалнинг илмий ва амалий аҳамиятини оширишга ҳаракат қилиши, ўқувчилар онгида барқарор тизимлаштирилган билимларни сингдириш воситаси ҳисобланади.

Медиатаълимнинг педагогик стратегияси бадиий таҳлил қила олиш, уни талқин қилиш асосида баҳо беришдан иборатдир. Медиатаълим марказида талаба шахс туради, унинг қизиқиши, хоҳиш, истакларини ҳисобга олиш, олинган ахборот воситасида танқидий фикрлашга ўргатиш керак. Хорижий давлатлар педагогик олимларнинг фикрича, медиатаълим тарбиявий, таълимий аҳамиятга эга бўлиб, талабаларни ўқув билиш жараёнида реактив фикрлашга ўргатади. Ахборот билан ишлаш, ахборот қидириш, зарурларни ажрата билиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, ахборот мазмунини тушуниш мантиқий яқинларини ажратишни ўрганади. Шулар асосида ахборот маданияти шаклланади.

Ҳозирги вақтда ОАВда “ахборий босим”, “ахборот хуружлари”, “оммавий маданият” атамалари бот-бот такрорланмоқда. Бу мавзуда кўплаб мақолалар ёритилмоқда. Бузғунчи гуруҳлар саъй-ҳаракатлари билан оммавий ахборот воситалари тажовуз куралига айлантилмоқда. Шу йўл билан ўша бузғунчилар инсоннинг онги ва қалби нишонга олинмоқда. Бундай мафкуравий тажовузларга қарши курашни жадаллаштиришда медиатаълим ҳам муҳим ўрин тутаяди. Медиатаълимнинг мукамаллиги ёшларнинг келажагини сўзсиз белгилайди. Ана шу кенг қамровли педагогик жараён таълим тамойилларига мос ҳолда, дарсда замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллашни, такомиллаштиришни, интерфаол, интерактив усулларни кенг қўламда босқичма-босқич амалда жорий этишни талаб этади.

## 2-мавзу: Электрон таълим ва масофали ўқитиш технологиялари

### **РЕЖА:**

- 2.1. Ўқув муассасасида электрон таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар.
- 2.2. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили.
- 2.3. Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча.

**Таянч иборалар:** *LMS, moodle, Atutor, Claroline, OLAT, Efront, Sakai, Dokeos, Chamilo, ILIAS, LAMS, Open Elms, масофали таълим, хостинг, домен, портал, интерфаол, Интернет, электрон ҳукумат, давлат хизмати, интерактив, жаҳон хборот тармоғи, ахборот технологиялари, стационар телефон, телекоммуникация, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ).*

### **1.1. Ўқув муассасасида электрон таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар.**

Ҳар бир университет ёки таълим муассаси ўз таълим жараёнини бошқариш учун замонавий технологиялардан келиб чиққан ҳолда, ўзининг виртуал ахборот таълим муҳитини яратишга ҳаракат қилади. Ҳозирги вақтга келиб, виртуал ахборот таълим муҳитини яратишнинг ҳождати қолмаган, чунки Web муҳитига мослашган ҳар ҳил турдаги дастурий мажмуалар жонкуяр дастурчи ва таълим соҳасида ишлаб келаётган ходимларнинг ҳамкорликда ишлашлари шунингдек, таълимга йўналтирилган фондлар томонидан қўллаб қувватланиши натижасида, эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар яратилган.

Бу ўқув модулимизда масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи эркин ва очик кодли дастурлар мажмуасининг таҳлили келтирилади. Ўқув модулида келтирилган дастурий мажмуалар таҳлили кўп йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ёзилган.

Ўқув муассасасида масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар ҳақида атрофлича тўхталамиз.

Масофавий таълим (МТ) жараёнини ташкиллаштиришнинг илмий-педагогик талаблари кўп адабиётларда баён қилинган. Хусусан, бу мавзуга оид [1,2,3]. Таҳлил қилинган адабиётларнинг кўрсатиши, масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришнинг техник ва дастурий талаблари тўлиқ баён қилинмаган.

МТ жараёнини амалга оширишда қўйида кўрсатилган босқичлар асосида амалга ошириш мумкин:

- 1-босқич: Таҳлил
- 2-босқич: Лойиҳалаштириш
- 3-босқич: Жорий қилиш

4-босқич: Ўқув контентларини яратиш

5-босқич: Ишга тушириш

6-босқич: Ривожлантириш

1-босқичда ўқув муассасининг масофавий таълим жараёнига бўлган эҳтиёжлари, таълим жараёнида қатнашаётган фойдаланувчиларнинг сони, ўқитиш усуллари ва шакллари, лойиҳани амалга оширишда керак бўладиган техник, дастурий ва инсон ресурслари, лойиҳани иқтисодий асослари таҳлил қилинади.

2-босқичда таҳлиллар натижасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва техник топшириқ лойиҳалаштирилади.

3-босқичда эса танланган масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуаа тегишли серверда ўрнатилади, тизимга тегишли домен танланади. Масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуасидан фойдаланиш ва унга техник қўллаб қувватлошчи ишчи ходимларни ўргатиш бўйича ўқув машғулотлар ташкиллаштирилади.

4-босқичда масофавий таълим жараёнининг асосий элементларидан бири бўлмиш ўқув контентлар ўқув бўлими ва соҳа мутахасислари билан ҳамкорликда яратилади. Яратилган ўқув контентлар экспертлар томонидан текширилади.

5-босқичда масофавий таълим жараёни ишга туширилади. Таълим жараёнида ўқув жараёни дойими назоратда бўлиб туради. Тизимдаги ҳавфсизлик чоралари мониторинг қилиб борилади.

6-босқичда юқорида келтирилган босқичларда мавжуд бўлган камчиликлар тўғриланади, янги ўқув курслар яратилади, техник имкониятлар кенгайтирилади, тизимнинг ривожланишига тегишли бўлган ишлар кўлами бажарилади.

2- ва 3- босқичлар ўртасида амалга ошириладиган ишлар кетма-кетлигича қўшимча маълумот.

3. Web-хостинг хизматини танлаш.

Web-хостинг хизматини танлаш биз UZINFOCOM Марказининг технологик майдончасидан фойдаланишни тавсия этамиз [14].

UZINFOCOM Марказининг технологик майдончаси миллий фойдаланувчилар ва биринчи навбатда, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари, ҳамда таълим ва ноτιжорат муассасаларига замонавий даражадаги сифатли хостинг хизматини кўрсатиш мақсадида 2006 йилда ташкил этилган. Хизматлар ахборот ҳавфсизлигини таъминлашнинг барча халқаро стандартларига тўлиқ мос равишда кўрсатилади, шу билан бирга, ахборот ресурслари эгаларига ўз ресурсларини сақлаш ва маълумотлар билан ишлашда максимал қулайликни таъминлайди.

Ушбу технологик майдонча шу каби комплексларга қўйиладиган барча талабларга жавоб беради. Хусусан, маълумотларни сақлаш ва уларнинг яхлитлигини таъминлаш, маълумотлар сақлашни захиралаш, 24 соат давомида доимий техник хизмат кўрсатиш.

Фойдаланувчиларнинг технологик майдончада жойлаштирилган ресурслари унинг инфратузилмасидан фойдаланадилар. Ягона текширилган

дастурий таъминотдан фойдаланиш эса мижозларга дастурларни яратиш заруриятдан озод этиб, уларни ахборот ресурсларини жойлаштириш ва фаолият юритиши билан боғлиқ муаммолардан ҳоли этади. Бундай комплекс ечим мижозлар учун мавжуд бўлган турли дастурий модуллердан фойдаланиш орқали ўз куч ва ресурсларини ахборот хизматларини шакллантириш ва жадаллаштиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, UZINFOCOM Маркази таркибидаги компьютер ходисаларига чора кўриш хизмати UZ-CERT, технологик майдончада жойлашган ресурсларни етарли даражада ҳавфсизлигини таъминлайди.

Ҳозирги кунда технологик майдончада Агентлик сайти [asi.uz](http://asi.uz); UZ-CERT серверлари; Ziyonet тармоғи мосламалари, [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) портали; Миллий кидирув тизими [www.uz](http://www.uz) серверлари; UZ домен зонасининг юқори бўғин ўзак серверлари жойлашган. Шу билан бирга технологик майдончада 80 тадан ортиқ ташкилотларнинг сайтлари, шу қаторда давлат органларининг сайтлари, ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларнинг сайтлари ва уларнинг миқдори доимий равишда ўсмоқда. Техник майдонча ускуналарининг умумий қуввати ҳозирги кунда 11 та сервер, жами частотаси 42 ГГц бўлган 14 та процессор, 26 Гбайт оператив хотира мосламаси ва 4 Тбайт бўлган диск маконидан иборат.

UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш Маркази юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги тарифлар бўйича веб-хостинг хизматини кўрсатади.

eFront - дастурий мажмуа Unix, Linux, FreeBSD, Windows, Mac OS X, Netware ва бошқа РНРни қўллаб қувватловчи операцион тизимларда ишлайди. Маълумотлар базаси сифатида MySQL ва PostgreSQL лардан фойдаланиш мумкин. Бошқа LMS лар сингари IMS ва SCORM стандартларни қўллаб қувватлайди. Тизим 30дан ортиқ тилга таржима қилинган шу қаторида ўзбек тилидаги таржимаси ҳам мавжуд. Агар сайтга кирсангиз сизга eFront нинг бир нечта версиясидан фойдаланиш таклиф этилади, булар Editions, Enterprise, Educational ва Open-sourселар. (Булар бир биридан нимаси билан фарқ қилишини тўлиқ билмоқчи бўлсангиз қўйида кўрсатилган ҳаволага мурожаат этишингиз мумкин <http://www.efrontlearning.net/functionality-matrix>.) Булардан фақат оҳиргисини (Open-source) фойдаланиш бепул ҳисобланиб қолганларидан фойдаланмоқчи бўлсангиз маълум қўшимча пул эвазига сотиб олишингиз мумкин бўлади. Лекин eFront дастурий мажмуасининг Opensource версияси масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришингиз учун етарли ҳисобланади.

## **1.2. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили.**

Chamilo – очик кодли масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи Webга ориентацияланган дастурий мажмуа ҳисобланади. Chamilo лойиҳаси 18 январь 2010 йилдан бошлаб ривожланиб келмоқда. Ўқув модули ёзилаётган вақтда Chamilo дастурий мажмуасининг барқарор версияси 1.9.6. Бошқа LMS лар сингари IMS (IMS Content Packaging, IMS QTI) ва SCORM стандартларини қўллаб қувватлайди. Тизим кроссплатформали



ҳисобланиб, барча операцион тизимларда ишлайди. GPLv3 лицензияси асосида иш юритади. Тизимнинг расмий сайтида келтирилган маълумотга кўра ҳозирда 250 000 дан ортиқ талаба бу тизим орқали таълим олиб келишмоқда.

<https://campus.chamilo.org/index.php?language=russian> ҳаволаси орқали тизимнинг имкониятларини реал равишда администратор, ўқитувчи(тьютор) ва ўқувчи ролларида бўлиб, танишиб чиқиш мумкин. Масофавий ўқув жараёнини бу тизим орқали ҳеч қандай қийинчиликсиз ташкиллаштириш мумкин. Тизимдан давлат ташкилотлари ўзларининг ишчи ходимларини аттестациядан ўтказишда ҳам фойдаланишлари мумкин. Тизимнинг расмий интернет манзили: <https://chamilo.org>

**ILIAS.** Бу тизим ҳам эркин ва очик кодли масофавий таълим жараёнини бошқарувчи LMS тизими ҳисобланади. Дастурий мажмуа 1998 йилдан ва ҳозирги вақтгача ривожланиб келинмоқда. Бошқа тизимларда мавжуд бўлган ўқитиш модуллари бу тизимда ҳам бор:

Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Student tracking, Календар, Глоссари, Вики ва бошқа модуллари мавжуд. Ўқув модулини ёзиш вақтида ILIAS дастурий мажмуа ининг барқарор версияси 4.3.4. Тизим Apache, PHP, MySQL, XML ларга асосланган. SCORM стандартига тўлиқ жавоб беради. Тизимнинг бошқа тизимларга нисбатан авфзал томонларидан бири электрон назорат турларининг яхши йўлга қўйилганидир. Қўйида кўрсатилган электрон назорат турларини ўз ичига олади: single choice, multiple choice, matching, fill-in-the-blanks, hot spots, flash, java applet ва бошқ. Ўқувчиларнинг олган натижаларини таҳлил қилиш ва сертификатлаш имконияти ҳам мавжуд. Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.ilias.de>

**Open Elms** – эркин ва очик кодли навбатдаги масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини беради тизим бўлиб, GNU GPL лицензияси асосида фойдаланувчиларга фойдаланишлари учун тарқатилади. Тизимнинг ўзи эркин ва очик кодли бўлганли бойис ҳам, дастурий мажмуани яратишда очик кодли дастурий таъминотлардан фойдаланилган. Уни ишлатиш учун маълумотлар омборини бошқариш дастури ( MySQL ёки PostgreSQL), PHP процессори, Web хизмати дастур (Apache ёки IIS) лари созланган сервер зарур. Оперцион тизим сифатида ихтиёрий кенг тарқалган тизимлардан биридан фойдаланиш мумкин (Windows, Linux, Mac OS X, Novwll Netware).

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.openelms.org/>

**Sakai** – дунёнинг кўпгина таълим муассаларида кенг фойдаланиб келинаётган навбатдаги очик кодли GNU GPL лицензияси асосида эркин тарқатилувчи дастурий мажмуа ҳисобланади. Бошқа LMS тизимларидан фарқи шундаки тизим тўлиқ Java тилида ёзилган. Шу сабабли тизим кросс-платформали ҳисобланади. Sakai дастур мажмуасининг ўзининг маълумотлар омбори мавжуд бўлиб, агар фойдаланувчилар сони кам бўлсатизимнинг ички маълумотлар омборидан фойдаланиш мумкин, агар фойдаланувчилар сони кўп бўлса, у ҳолда MySQL ёки Oracle маълумотлар омборида ишлаши мумкин. Ўқув модули ёзилаётган вақтда тизимнинг барқарор версия Sakai 2.9.2.

Sakai дастур мажмуасида таълим жараёнини бошқариш имкониятини берувчи қўйидаги умумий модуллари мавжуд:

- Announcements (Эълонлар)- тизим фойдаланувчиларига тегишли эълонларни етказиш учун хизмат қилади;

- Drop Box (Файллар алмашинуви)- талабалар/ўқитувчилар ва ўқитувчилар/талабалар ўртасида (шахсий) хужжатлар алмашинувчини таъминлашга хизмат қилади;

- Email Archive (Электрон почта архиви)-бу модул орқали тизимдаги фойдаланувчиларнинг почта хабарлари тизимнинг архив почтасида сақланади; • Resources (Ресурслар)- тизим ичидаги фойдаланувчилар ўзларининг ўқув ресурсларини сақлашлари ва уларни жамоага эълон қилиш имконияти;

- Chat Room – on line равишда тизим ичидаги фойдаланувчилар ўртасида алоқани ўрнатиш муҳити;

- Forums (Форум)- бирор бир мавзу бўйича дискуссия мавзуларни очиш мумкин. Online мулоқатдаги чатдан фарқли равишда бу модул орқали off line равишда муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш мумкин;

- Message Center (Хабарлар маркази)- тизим фойдаланувчилари ўртасида ички хабарлар алмашиш модули;

- News / RSS- RSS динамик янгиликларини ўзингизнинг компьютерингизга экспорт қилиш имконияти;

- Poll tool (Сўровлар ўтказиш) – тизим ичида ҳар хил сўровлар ўтказиш имконияти;

- Presentation (Презентация) – бир вақтнинг ичида бир нечта фойдаланувчилар учун файлларни тақдимот қилиш имкониятини берувчи модул;

- Profile / Roster – тизимда мавжуд фойдаланувчиларнинг шахсий профиллари билан ишлаш модули;

- Repository Search- тизим ичидаги маълумотларни қидириш модули.

Ўқитувчи учун ишчи модуллари (Teaching tools) қўйидагилардан иборат: Assignments, Grade book, Module Editor, QTI Authoring, QTI Assessment, Section Management, Syllabus.

Тизим муҳитида ўқувчи учун ишчи модуллари (Portfolio tools) қўйидагилардан иборат:

Forms, Evaluations, Glossary, Matrices, Layouts, Templates, Reports, Wizards, Search, Web Content, WebDAV, Wiki, Site Setup, MySakai, Widgets.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.sakaiproject.org>

eStudy.uz интеллектуал масофали таълим тизими

**Масофали таълим тизимининг вазифаси:** масофали ўқув курсларини яратишда эксперт томонидан ўқув курс траекториясини белгилаши, параметрларни киритиши ва ўқувчилар билимини баҳолашда адаптивлашган тестлар базасини яратиши шунингдек шакллантириши мумкин. eStudy.uz тизими ўқувчининг бошланғич билим даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ўқув траекториясини шакллантириш имкониятини беради. Тизим орқали масофадан ўқитиш жараёнини ташкиллаштириш мумкин.

### **Ўқув тизимининг афзаллиги:**

- тизимда фойдаланувчиларнинг ҳар хил ролларининг мавжудлиги (Администратор, ўқитувчи, талаба ва меҳмон);
- фойдаланувчи учун қулай интерфейс;
- ўқувчининг бошланғич билим даражасидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ўқув траекториясини шакллантириб бериши;
- адаптив тестларни яратиш имкониятининг мавжудлиги;
- ўқувчининг натижаларини маълумотлар базасида сақлаши ва таҳлил, экспорт қилиш имконияти;
- Тизим орқали ихтиёри фандан масофали таълим жараёнини ташкиллаштириш имконияти;
- Видео конференциялар ташкиллаштириш имконияти;
- Интернет коммуникация элементларининг мавжудлиги (Чат, форум, ички маълумотлар алмашиш тизими);
- Қўйида кўрсатилган форматлар билан билан ҳам ишлаш имконияти:
- Graphics (JPEG, GIF, PNG)
- HTML
- Video (AVI, MPEG)
- Adobe FLASH
- Adobe PDF • MS Office (DOC, PPS) • Техник таъминотга минимал талаблар.

**Тизимнинг ҳажми:** Тизимга киритилган ўқув курсларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади

**Ўқув тизимининг нормал ишлаши учун компьютерга қўйиладиган талаблар:**

Доимий хотирада камида 1 ГБ бўш жойининг маждуд бўлиши;

- Камида 125 Мб оператив хотира;
- операцион системалар: Windows ёки Linux;
- PostgreSQL, Microsoft SQL Server;
- Application Server: Apache, Интерпретатор-PHP;

### **1.3. Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча.**

Президентимиз Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида “электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш, жумладан, бизнес соҳаси ва фуқароларга интерфаол давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш муҳимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ушбу муҳим вазифалар ҳисобга олинган ҳолда, давлат органлари, фуқаролар ва ташкилотларга ахборот жамияти шароитида фаолият кўрсатиш имконини берадиган меъерий-ҳуқуқий ва услубий база ишлаб чиқилмоқда. Бу борада жорий этилаётган ахборот хизматлари бўйича ягона стандартлар ресурслар, маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури «электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш ва кенг қўллашга қаратилган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди. Дастур аҳолининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатини электрон шаклда амалга оширишни таъминлаш, давлат бошқаруви тизимида «ягона ойна» принципини жорий этиш каби вазифаларни ҳал этишни ўз ичига олади. Шунингдек, ушбу ҳужжатда ахборот тизимлари комплекси ва «электрон ҳукумат» тизимининг маълумотлар базасини яратишга доир тадбирлар белгиланган. Мазкур дастурни қабул қилишдан кўзланган мақсад замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва иқтисодиётимизнинг барча соҳаларига кенг татбиқ этиш, ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига кўрсатилаётган интерфаол давлат хизмати турларини кенгайтириш ва яхшилашни рағбатлантиришдан иборат. Дастурда кўзда тутилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши кўрсатилаётган хизматларнинг керакли сифат даражасини таъминлаш ва интерфаол хизматларни ривожлантириш йўлида қулай шароит яратиш учун ахборот-коммуникация ҳамда телекоммуникация технологияларининг замонавий юқори технологияли инфратузилмасини яратиш имконини беради.

Айни пайтда давлат ҳокимияти органларига веб-сайтлар ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали ([www.gov.uz](http://www.gov.uz)) орқали тўрт юздан зиёд интерфаол давлат хизмати кўрсатилаётир. Интернет тармоғида [www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz) манзили бўйича «ягона ойна» режимида Ягона интерфаол давлат хизматлари порталининг ишга туширилиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Портал давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрда қабул қилинган «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил қилинган. Ҳозирча ягона портал орқали қарийб олтмиш хизматдан фойдаланиш мумкин. Улар орасида автоматик режимда кўрсатиладиган хизматлар ҳам бор. Масалан, «Юридик ва жисмоний шахсларнинг стационар телефон алоқаси ва интернет хизматларига уланиш учун ариза қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш», «Давлат солиқ хизмати органидан солиқ бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумотнома олиш учун ариза қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш», «Телекоммуникациялар соҳасида лицензия олиш учун ариза қабул қилиш» ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тадбиркорлар учун турли соҳаларга оид рухсат берувчи ҳужжат олиш учун ариза жўнатиш имконини берадиган хизматлар ҳам ишлаб чиқилди. Порталда мурожаатларни кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Фуқаролар ва тадбиркорлик

субъектлари портал орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органларига мурожаат қилиши мумкин. Шу билан бирга, бу ерда ярим автомат режимида кўрсатиладиган ахборот-маълумотнома хизматидан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд. Давлат органларининг фойдаланувчилар томонидан жўнатилган ариза ва мурожаатларни кўриб чиқиш ҳолати тўғрисидаги ахборот билан танишиш имконини берадиган «Статистика» модули алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимизда АКТ соҳасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган режалар кўп. «Электрон ҳукумат» тизимига тўлиқ ўтиш ҳам шулар жумласидандир. Бу борада кўрилаётган чоралар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралиги ва ишончлилигини таъминлаш, уларнинг аҳоли билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимиз мустақилликка эришиб, ҳар томонлама тараққиётга эриша бошлаганимиздан буён жамиятда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада қатор қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни (2003 й.), «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонуни (2003), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонуни (2004), «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуни (2004), «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунлар (2005) бугунги кунда муҳим воқеликка айланди. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

ҳалқаро ахборот тармоқлари ва интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;



тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулайшароит яратиш;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

Ахборотлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар изчил олиб борилаётгани натижасида Республикаимизнинг барча тармоқлари ва Давлат бошқаруви органлари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва телекоммуникация тизимларини ривожлантириш ва уларни ҳаётга кенг жорий қилинишига эришилмоқда. АКТни иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг жорий қилиш орқали жамиятимизнинг ички мустақамлиги ва ижтимоий бирлигини ташкил этиш борасида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар негизида АКТнинг жадал суръатлар билан ривожланиши туфайли Ўзбекистон Республикасининг глобал ахборот ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. АКТни давлат бошқарувига жорий этиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Давлат ташкилотларини реал вақт – Онлайн тизимига улаш давлат сектори ва фуқаролар ўртасидаги ягона электрон восита билан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси замонавий ахборот асрига киришга жиддий мақсадлар қўяётганлигини кўрсатади. АКТни давлат бошқарувига киритишга катта эътибор қаратилганлигини ҳисобга олиб, давлат ҳукумати томонидан 2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш дастури тайёрланган эди. Ушбу дастур давлат бошқарувида электрон ҳужжатлар айланишини кенг тарғиб қилиш, фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар даражасини яхшилаш ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарор ва қонунларни ошкоралигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидадир.

Дастур асосида **биринчи босқичда** давлат бошқарув органларида зарур маълумотлар (жумладан мансабдор шахсларнинг қабул вақти, хизмат телефонлари) жойлаштирилган веб саҳифалари очилади.

**Иккинчи босқичда** маълумотларни тўлиқ жамлаган давлат органларини кидириш имкониятини берадиган маълумотлар базаси тўзилиб, қилинган мурожаатларга электрон почта орқали жавоб берилишини таъминлайди. Улар фуқароларни давлат порталига кириб, бир қатор “интерактив хизматлар” орқали турли шаклларни тўлдириш имконини кўрсатади.

Кейинги **учинчи босқичда** молиявий ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш, фуқаролар ва хусусий корхоналар лицензия ҳамда рухсатнома сотиб олиши, солиқ декларациясини тақдим этиши, жарима тўлаши ва ижтимоий имтиёзлар сўраб мурожаат қилишлари мумкин бўлади.

АКТнинг жорий этилиши давлат бошқаруви тизими фаолиятининг жамият учун кўпроқ очиклигини таъминлайди. Давлат бошқаруви органларининг компьютерлаштирилиши ва уларнинг “онлайн” интерфейси билан жиҳозланиши муҳим қадам ҳисобланади, бироқ АКТни жорий этиш билан боғлиқ вазифаларни бутун комплекси бу билан тамом бўлмайди. АКТ тизими давлат билан жамият ўртасидаги алоқалар тартиботини анча соддалаштиради,



бирок бу – уларнинг яккаю ягона ва асосий афзаллиги эмас. АКТнинг давлат бошқарувида амалда жорий этилишининг асосий мақсади ва кутилаётган натижаси кенг куламда Давлат бошқарувининг принципиал жиҳатдан янги сифатга утганлиги деб ҳисоблаш мумкин.

Давлат бошқарувида АКТ – бу нафақат давлат бошқарувининг тегишли сифат даражасида ахборот-техник ташкил этилиши, шу жумладан исталган мамлакатнинг жамиятида мавжуд бўлган муносабатлар ва алоқани сифат жиҳатидан бошқача ташкил этиш ва бошқариш ҳамдир.

Давлат бошқарувида АКТни жорий этиш ва ундан фойдаланиш аҳолининг имкони борича кенг қатламлари тегишли технологиялардан фойдаланишларига бевосита боғлиқ бўлади. Чунки компьютер технологияси ва инфратузилма нисбатан қиммат туриши туфайли аҳоли асосий қисмининг даромади даражаси паст эканлиги ахборот технологиялари оммавий ёйилишига жиддий тусиқ ҳисобланади. Бу дегани давлат бошқарувида АКТни жорий этишнинг муайян даражасида давлат ва фуқаролар ахборот нотенглигининг фундаментал муаммосига дуч келиши мумкин. Бундай шароитларда интернетдан ялпи фойдаланилишини таъминлаш инфратузилмасини ташкил этишга мақсадли инвестициялар киритиш принципиал аҳамият касб этади. Турли мамлакатларда ривожланишнинг ҳар хил даражаларида ушбу вазифалар ҳал этилади. Бирок шунга қарамай, бир қанча умумий ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Интернетдан фойдаланишнинг оммабоп муассасалари ва пунктларини ташкил этиш;
- мактаблар, кутубхоналар, бошқа оммавий муассасаларни интернетга улаш;
- аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари учун давлат бошқарувининг корпоратив тармоқлари ресурслари ва интернетга киришнинг давлат томонидан кафолатланиши – бепул ёки имтиёзли тарифлари бўйича.

Давлат бошқарувида АКТ инфратузилмасига қўйиладиган махсус талаблар ахборот оқимининг очиқ-ошкоралиги ва махфийлиги принциплари балансини таъминлаш заруриятидан келиб чиқади. Ушбу тизимларининг, биринчи навбатда давлат бошқаруви корпоратив тармоғи фаолият кўрсатишининг биринчи даражали талаби унинг ахборот хавфсизлиги ҳисобланади. Модомики, интерактив муҳитлар ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан ночор бўлиб қолар экан, ахборот алоқаларининг глобаллашуви, бир томондан, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларнинг янги шакллари ва усулларини, иккинчи томондан – маълумотларнинг етарлича хавфсизлигини таъминлашнинг янги усулларини келтириб чиқаради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг концепциясини ишлаб чиқиш ҳамма вақт тегишли лойиҳаларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бунга қуйидагилар киради:

- электрон ҳужжатлар айланиши хавфсизлигини таъминлаш;
- махфий маълумотлар ва ахборот жараёнларини ҳам ходимларнинг қасддан содир этилган, ҳам малакасиз хатти-ҳаракатларидан, шунингдек табиий

ёки техноген тусдаги ҳалокатлар ҳолатларидан ҳимоя қилиш бўйича комплекс олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

➤ ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини такомиллаштириш, умумий аҳамиятли қайта ишлашнинг ҳимояланган воситаларини қўллаш;

➤ идентификатор калитлар, электрон рақамли имзолар, криптография, нутқни, бармоқ изларини аниқлаш дастурлари ва хоказо ҳар қил техник, дастурий ёки жисмоний ҳимоя воситалари ва бошқалар махфий ахборотга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни ишончли идентификациялашни таъминлаш;

➤ ходимлар, менежерлар ва техник хизматчилар учун аниқ лавозим йўриқномаларини яратиш.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш умумий харажатнинг салмоқли қисмини ташкил этади ва ўзатилаётган, сақланаётган ёки қайта ишланаётган ахборотнинг муҳимлиги ва махфийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳимоянинг ишончли тизимини қуриш учун ахборотнинг махфийлик даражасини, унинг ҳимояланганлик даражасини ва ахборот тизими ресурсларига кириш ҳуқуқини тўғри белгилаш зарурдир.

Ахборотлашган жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим омил – инсон омилидир. Чунки бугун “ахборот” тушунчаси инсон таафаккурига турли кўринишда таъсир этиб, унинг ҳаёти ва тақдирини муайян бир томонга – салбий ёки ижобий тарафга буриб оладиган кучли воситага айланди. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир шахсдан кучли сезгирликни талаб этмоқда. Сабаби ёшлар катта авлодга нисбатан замонавий дунё цивилизацияси имкониятларидан жумладан, замонавий оммавий ахборот воситаларидан кўпроқ баҳраманд бўлмоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, шуни ҳам эътироф этиш зарурки, бундай шароитда ёшлар онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб бир томонлама тарбия бериб, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб қуя олмаймиз. Чунки бу замон талабига ҳам, эзгу мақсадларимизга ҳам тўғри келмайди. Сабаби биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шунинг учун ҳам кишиларда айниқса, ўсиб келаётган ёшларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ахборот маконида глобаллашув шароитида медиатаълимнинг ўрни ниҳоятда муҳим бўлиб, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Инсоният онгини медиа томонидан зимдан бошқарилишдан ҳимоялаш муаммоси кескинлашиб бормоқда. Соҳа мутахассисларидан бири Герберт Машалл Маклюэн “Ҳақиқий саводли бўлиш учун медиаоламида саводли бўлиш лозим...” деб таъкидлаган эди. Канадалик машҳур социологнинг сўзлари бугунги медиа ахборот асрида харқачонгидан ҳам долзарброқдир.

Профессор А.В.Федоров замонавий оламдаги медиатаълимни оммавий ахборот билан мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида ижодий, коммуникатив салоҳиятлар, танқидий тафаккур, медиаматнларни тўлақонли идрок этиш, талқин ва таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, медиатехника ёрдамида ўз-ўзини ифодалашнинг турли шаклларида ўқитиш мақсадида оммавий коммуникация воситалари ва материаллари ёрдамида шахсни камолга етказиш

ва ривожлантириш жараёни сифатида кўради. У ҳақли равишда медиасаводхонлик инсонга телевидение, радио, видео, кинематограф, матбуот, интернет имкониятларидан фаол фойдаланиш инсонга медиамаданият тилини яхшироқ тушунишга ёрдам беришини таъкидлайди. Демак, медиатаълим кишиларни ахборотлашган жамиятдаги ҳаётга тайёрлашнинг бекиёс вазифасини бажариш учун мўлжаллангандир.

ЮНЕСКОнинг резолюцияси ва тавсияларида ҳам медиатаълимнинг муҳимлиги ва уни қўллаб-қувватлаш зарурати такрор ва такрор таъкидланган (ЮНЕСКОнинг Грювальдаги - 1982; Тулузадаги - 1990; Париждаги – 1997; Венадаги – 1999; Севилядаги – 2002 ва бошқа анжуманлари). ЮНЕСКОнинг 2002 йилдаги тавсияларида “Медиатаълим ҳар бир мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг ўзини эркин ифодалаш ва ахборот олишга бўлган асосий ҳуқуқининг бир қисмидир, у демократияни қўллаб-қувватлашга имкон беради. Турли мамлакатлардаги медиатаълимга бўлган ёндашувлар ва ривожланишдаги фарқларни эътироф этган ҳолда қаерда имкони бўлса, миллий ўқув режалари доираларида, шунингдек, инсоннинг бутун ҳаёти давомидаги қўшимча норасмий таълим ва мустақил билим олиш доираларида уни жорий этиш лозим” деб таъкидланади.

Медиапедагоглар ва назариётчилар фикрича, бугун медиатаълимнинг устуворлиги ва долзарблигининг қуйидаги 7 сабаби мавжуд:

1. Медиастеъмолининг юксак даражаси ҳамда замонавий жамиятларнинг оммавий ахборот воситалари билан тўлиб-тошганлиги.

2. Медианинг мафкуравий муҳимлиги, ва саноат тармоғи сифатида уларнинг аудитория онгига таъсири.

3. Медиаахборот миқдорининг тез ўсиши, уни бошқариш ҳамда унинг тарқалиши механизмларининг кучайиши.

4. Асосий демократик жараёнларга медианинг суқилиб кириши жадаллиги.

5. Барча соҳаларда визуал коммуникация ва ахборот қийматининг ортиши.

6. мактаб ўқувчилари / талабаларни келажакдаги талабларга мос йўналиш билан ўқитиш зарурати.

7. Ахборотни хусусийлаштиришнинг ўсиб бораётган миллий ва халқаро жараёнлари.

Шундай қилиб, медиа (оммавий коммуникация воситалари) кишилар ҳаётида ва таълим жараёнида кундан-кунга катта роль ўйнамоқда.

Медиатаълимнинг яна бир мақсади: ёшларда медиага нисбатан танқидий муносабатни шакллантириш, уни ўқув муассасасидан (мактаб, ОУЮ) кейинги ҳаётда ОАВнинг ижодий фойдаланувчисига айлантиришдир.

Медиатаълимнинг асосий вазифалари:

Замонавий ахборотлашган жамият шароитида янги авлодни турли ахборотни тушунишга, унинг руҳиятга таъсири оқибатларини англашга, техник воситалар ёрдамида коммуникациянинг оғзаки бўлмаган шакллари асосида мулоқот усулларини ўзлаштиришга ўргатишдир.

Медиатаълимнинг асосий йўналишлари:

• бўлғуси профессионаллар – журналистлар (телевидение, радио, матбуот, интернет), кинематографистлар, муҳаррирлар, продюссерлар ва бошқаларга медиатаълим бериш;

• университетларда, педагогик институтларда бўлғуси ўқитувчиларга медиамаданият бўйича курслар доирасида билим бериш;

• ОЎЮлар, лицей, коллеж ва мактаблар ўқитувчиларининг бу борадаги малакасини ошириш, ўқув муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар ва талабалар учун (махсус, факультатив, тўгаракли) махсус ўқув курсларини жорий қилиш;

• қўшимча таълим муассасалари ва дам олиш марказларида (дам олиш уйлари, мактабдан ташқари ишлар, эстетик ва бадиий тарбия марказлари, клублар) медиатаълимни ташкил қилиш;

• телевидение, радио, интернет тармоғи ёрдамида мактаб ўқувчилари, талабалар ва катталарга масофавий медиатаълим бериш;

• Мустақил ва узлуксиз медиатаълим (бу назарий жиҳатдан инсоннинг бутун ҳаёти давомида амалга оширилиши мумкин).

Аксарият мамлакатлардаги ҳозирги вазиятни ҳисобга олган ҳолда кўплаб олимлар, мутахассислар таъкидлаётганидек, “ ахборот ролининг ўсиб бориши даврида ўсиб келаётган авлодни дунёвий ахборот маконига киришга тайёр эмаслиги муаммосига” афсуски қўшилмаслик мумкин эмас.

Бу кўп жиҳатдан ўқитувчилар, тарбиячиларнинг медиасаводи пастлиги оқибатидир. Буларнинг барчаси медиатаълимнинг аҳамиятини ўта долзарб эканини кўрсатмоқда.

Барча мамлакатларда медиатаълим соҳасида фаолият кўрсатаётган шахслар ва ташкилотлар жумласига қуйидагилар киради:

- мактаб ва бошқа таълим муассасаларининг ўқитувчилари;
- ёшлар гуруҳида ишловчи ўқитувчилар;
- ихтисослашган тадқиқотчилар;
- сиёсий ёки ахлоқий мақсадларга таянган фаоллар гуруҳлари;
- ота-оналар гуруҳлари;
- ҳам тижорат, ҳам нотижорат медиакомпаниялар;
- ОАВни бошқариш ва ўз-ўзини бошқариш органлари.

Бугунги кунда одамларни ОАВни тушуна олишга ва уларни қуршаб турган медиамаданиятда янада фаолроқ иштирок этишга урғу берилмоқда. Турли мамлакатлар ва маданиятларда ОАВдан келаётган хатарлар турлича белгиланади. Буюк Британияда медиазийёлиларининг ташвиши маданий жиҳат бўлган. Бу мамлакатда ОАВ болалардаги “юксак маданият” кадриятларини издан чиқариши мумкин бўлган “тубан” маданиятни тақдим этмоқда деб тушинилади.

АҚШда ахлоқ томонга эътибор қаратилган: у ерда ОАВ болаларга улар учун номуносиб бўлган кадриятлар ва хатти-ҳаркатларни сингдириши борасидаги ташвишлар мавжуд. Ва ниҳоят 1970 йилларда медиатаълим яна бир жиҳат – сиёсий жиҳатни касб этди. ОАВ сиёсий қараш ва эътиқодларни шакллантиришга масъуллиги борасидаги тасаввурлар вужудга келди.

Шундай қилиб, анъанавий медиатаълим болалар тарбиясининг қуйидаги мақсадларини илгари сурган:

- Юксак маданиятга ҳурмат.
- Ахлоқий соғлом хатти-ҳаракат меъёрлари.
- Сиёсат тўғрисидаги оқилона тасаввурлар.

Бугунги кунда ушбу соҳада янги ОАВлар пайдо бўлиши билан юзага келган ўзгаришлар юз бермоқда. Кўпинча медиатаълим болаларни ОАВдан асраши лозим бўлган эмлаш тури сифатида идрок этилмоқда, аммо бундай ёндашув барча нарсани салбий оқибатларга олиб бориб тақаган ҳолда болаларга янги ОАВдан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган барча қониқишларни бера олмайди.

Бугунги кун медиатаълимдан ёшларни ўз танловига кўра онгли қарор қабул қилишни рағбатлантирувчи ҳимоя ва тайёргарликнинг омукта шакллари тақозо этмоқда. Медиатаълим ёшлар ўртасида ОАВни тушунишни ривожлантиришни кўзда тутди, бу ўз навбатида уларни қуршаб турган медиамаданиятда онгли иштирок этишига, унга қизиқишига олиб боради.

Медиатаълим = ОАВдан ҳимоя + ОАВни таҳлил қилишга тайёргарлик + ОАВнинг моҳияти ва функцияларини тушуниш + медиамаданиятда онгли иштирок этиш.

Буларнинг барчаси медиатаълимнинг нафақат болалар учун, балки аҳолининг турли гуруҳлари учун ҳам ўта долзарблиги ва зарурлигини белгилаб бермоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда медиатаълим асосларини шакллантиришда уни ўзаро боғлиқ, бироқ бир-биридан фарқланувчи моделларга бўлиш лозим. Шу боис медиатаълимнинг замонавий модули ўзида икки асосий хусусиятни – мослашувчанлик ва ҳаммабопликни бирлаштириши лозим.

Шу мақсадда медиатаълимни ҳам таълим институтлари даражасида, ҳам ОАВ энг, аввало, телевидение ва радио орқали амалга ошириш тавсия этилмоқда.

Мактабгача тарбиядан бошлаб то олий ўқув юртидаги таълимга қадар таълимнинг барча босқичларида медиатаълимнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва коллежларнинг ўқув дастурлари ва ўқув режаларига ушбу йўналиш бўйича махсус курсларни киритиш зарур бу ҳам алоҳида дарслар шаклида, ҳам махсус ёки мажбурий курслар кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Медиатаълим фаолияти олимлари ва мутахассислари фикрига кўра медиатаълимнинг олий мақсади сифатида медиаменталитет тушунчаси киритилмоқда. Унинг таълим натижалари умумпедагогик чизмаси қуйидаги кўринишга эга: саводлилик – билимлилик – салоҳиятилик – маданият – менталитет. Яъни медиатаълим натижаларининг қуйидаги тизими: медиасаводхонлик – медиабилимлилик – медиасалоҳиятлилик – медиамаданият – медиаменталитет тавсия этилмоқда. Мазкур тизим медиатаълим фаолияти натижаларини кўришнинг аниқ тасвирини бермоқда. Навбатма-навбат, ёшдан-ёшга қараб исталаётган натижанинг қандайдир жиҳати устунлиги охир-



оқибатда умумий яхлит натижага эришиш имкониятини беради деб фараз қилинмоқда.

Саводлилик педагогик туркумини кўриб чиққанда таъкидлаш жоизки, энциклопедик луғатда саводлилик дейилганда: 1) кенг маънода - адабий тил меъёрларига мувофиқ оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини эгаллаш; 2) тор маънода - энг содда матнларни фақат ўқиш кўникмаси ёки ўқиш ва ёзиш; 3) қандайдир соҳада билимларнинг мавжудлиги тушинилади. Педагогик категория сифатидаги саводлилик шахс ривожига ижтимоий талаблар ўсишининг кенгайиши тенденциясига эга: бу оддий кўникмалардан инсонга ижтимоий жараёнларда иштирок этишга имкон берувчи ижтимоий зарурий билимлар ва малакаларнинг айрим мажмуаларини эгаллаб боришидир. Бу таърифлар мактабгача таълимда медиасаводхонлик атамасини қўллаш муносиблигини фараз қилишга имкон беради. Чунки педагогик категория сифатидаги саводлилик оддий малака ва кўникмалар мавжудлигини кўзда тутадик, бу мактабгача таълим учун хосдир.

Юқорида айтилган фикрлар худди таълимнинг барча босқичидегидек, мактабгача таълимда медиасаводлилик атамасидан фойдаланиш муносиблигига имкон беради. Чунки медиатаълим тизимида медиасаводхонлик ҳам бошланғич босқичдир.

Навбатдаги категория бу – билимлиликдир.

Билимлилик:

1) ўқиш жараёнида олинган билимлар мажмуаси сифатидаги таълим даражаси;

2) ўқимишлилик, маданият сифатида.

Билимлилик таърифи билимлар мажмуи эканини эътиборга олган ҳолда медиатаълим натижаси сифатидаги медиабилимлиликни кичик мактаб ёшида ва ўсмирлик ёшида шакллантириш борасида хулоса чиқариш мумкин. Чунки айнан шу ёшда асосий билимлар, малака ва кўникмалар шакллантирилади. Асосий мактабни тугатгандан сўнг ўқувчилар асосий умумтаълим мактабининг Аттестатини қўлга киритадилар. Бу уларда билимлиликни муайян даражаси мавжудлигидан далолат беради. Сўнгра саводлилик ва билимлиликни кўриб чиққан ҳолда узлуксиз медиатаълим нуқтаи назаридан салоҳиятлилик, маданият ва менталитет маъноларининг таърифига ўтиш мумкин.

Маданиятнинг келтирилган таърифларидан келиб чиққан ҳолда медиамаданият медиа соҳасидаги моддий ва интеллектуал қадриятлар мажмуаси, шунингдек жамиятда уларни яратиш ва амал қилишининг тарихий белгиланган тизимидир. Аудиторияга нисбатан медиамаданият медиаматнларни идрок этиш, таҳлил қилиш, баҳоласга, медиаижод билан шуғулланиш, медиа соҳасида янги билимларни ўзлаштиришига қодир бўлган инсон шахсияти ривожланишининг даражалари тизими бўлиб юзага чиқиши мумкин. Мазкур таърифда қуйидаги хусусиятлар: “юксак даража”, “юксак ривожланиш”, “маънавий ва ижтимоий ютуқлар” биз учун муҳимдир.

Маданият шаклланиши муносиб бўлган муайян ёш гуруҳини белгилашдан олдин менталитет таърифини кўриб чиқиш мумкин. Фалсафий энциклопедик луғатда менталитет қуйидаги сўзлар билан таърифланади:



“менталитет (менталлик лотинча mentalis – ақлга оид) – айрим инсонга ёки ижтимоий гуруҳга хос бўлган фикрлаш тарзи, ақлий кўникмалар ва маънавий мақсадлар мажмуаси”. Шунга мос ҳолда медиамаданият ва медиаменталитет олий ўқув муассаларининг сўнгги курсларида шаклланади, олий таълимдан кейинги касбий таълимда, шунингдек касбий фаолиятда шаклланишни давом этади деб ҳисоблаш мумкин.


Шундай қилиб, саводлилик, билимлик, салоҳиятлилик, маданият ва менталитет педагогик категорияларининг юқорида келтирилган таҳлили натижаларини ўзликсиз медиатаълим нуқтаи назаридан қуйидаги босқичли чизма сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Медиабилимлиликни медиаахборот объектларини ўрганиш ва ўзгартиришга йўналтирилган борликқа ҳиссий қадриятли муносабат тажрибаси билан тўлдирилган, олинган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш сифатида тушуниш мумкин.

Медиасалоҳиятлилик бу медиаахборот оламида ўзини намоён этишга имкон берувчи назарий билимларни, тафаккур усулларини ахлоқий меъёрларини онгли ўзлаштиришдир деб, фараз қилиш зарур. Бу таърифлар медиасалоҳиятнинг мақсадларига эришишга йўналтирилган медиатаълим жараёни академик лицейлар, коллежлардаги ўқитишнинг юқори босқичларида мосдир. Шунинг ҳам қўшимча қилиш лозимки, инсониятнинг бугунги куни ва келажаги муаммоларидаги турли-туман омиллар ва глобал ёндошувларнинг ягона тизими сифатидаги оламни идрок этишнинг чуқурлиги академик лицейлар ва коллежлар ривожланишининг умумий дастлабки босқич талабаларининг ўқиши тенденциясига эга. Бинобарин, медиасалоҳиятнинг шаклланиши олий касбий таълимнинг I-III босқичларидаги даражаларида давом этса мақсадга мувофиқ булади.

Медиатаълимнинг навбатдаги педагогик категориялари медиамаданият ва медиаменталитетдир. Шахс миллий маданияти – бу унинг медиасоҳасидаги моддий ва интеллектуал қадриятлари мажмуаси уларни жамиятда яратиш ва амал қилишнинг тарихий муайян тизими, медиа соҳасидаги ижтимоий маданий тажрибанинг кўпайтирилишидир. Медиаменталитет медиатаълимнинг энг олий мақсадидир. Медиали менталитет (медиаменталитет) шахсга медиа ахборотга очиқлик билан биргаликдаги мислсиз бетакрорлик хусусиятини, ментал ва маънавий маконда ўзини ҳар томонлама намоён этиш салоҳиятини баҳш этувчи дунёни англаш, дунёқараш ва хатти-ҳаракатнинг барқарор чуқур асосларини ўз ичига олади.

Медиамаданият ва медиаменталитет олий ўқув муассаларининг сўнгги курсларида шаклланади ва олий таълимдан кейинги касбий фаолиятда шаклланишда давом этади. Медиаменталитет шаклланиш жараёни ниҳоясиздир. Ахборотлашган жамиятнинг замонавий нуқтаи назаридан медиатаълимга шахснинг медиаменталитетини шакллантириш учун асос сифатида ҳамда болаларнинг ахборот, медиа ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларнинг тафаккур мустақиллигини ривожлантиришнинг асосий усули сифатида қараш зарур бўлиб, бу уларни салбий медиа контентидан (мазмунидан) ҳимоялашнинг энг самарали кафолатидир.



### Назорат саволлари:

1. Электрон таълим жараёнини ташкиллаштиришга қандай техник ва дастурий талаблар қўйилади?
2. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлилини қандай тушунаси?
3. Электрон таълим ресурслари ҳақида нималарни биласиз?
4. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратишнинг қандай тамойилларини биласиз?
5. Ҳозирги пайтда шаҳарларда истикомат қилаётган кишилар ҳар куни қанча вақт медиамулоқотда бўлиши кузатилган?
6. Медиа кишилар ҳаётида ва таълим жараёнида қандай ўрин тутмоқда?
7. Медиатаълимнинг асосий вазифаларини изоҳланг.
8. Таълимнинг қайси босқичларида медиатаълимнинг самараси юқори даражада бўлиши мумкин?
9. Медиатаълимнинг педагогик стратегиясини изоҳлаб беринг.
10. Ахборот маданияти қандай шакллантирилади?
11. “Ахборий босим”, “ахборот хуружлари”, “оммавий маданият” деганда нималарни тушунаси?
12. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали ([www.gov.uz](http://www.gov.uz)) орқали қанча интерфаол давлат хизмати кўрсатилмоқда?

13. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳақида нималарни биласиз?
14. «Электрон ҳукумат» деганда нимани тушунаси?
15. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
16. АКТнинг телекоммуникация тизимларини ривожлантиришдаги ўрни қандай?
17. АКТни иқтисодиётнинг турли соҳаларига қандай жорий этилади?
18. Онлайн тизими нима?
19. АКТнинг жорий этилиши давлат бошқаруви тизимида қандай аҳамиятга эга?
20. АКТ тизими давлат билан жамият ўртасидаги алоқаларда қандай ўрин тутади?
21. Анъанавий медиатаълим ёшлар тарбиясида қандай ўрин тутади?
22. Медиясаводхонлик деганда нимани тушунаси?
23. Медиамаданият деганда нимани тушунаси?
24. Медиатаълимни ривожлантиришнинг қандай омилларини биласиз?
25. Медиаахборот объектлари нималардан иборат?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонуни. –Т 2014 [lex.uz](http://lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. /Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни. /Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни. /Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.
5. Прайс М. Масс-медиа и государственный суверенитет: Глобальная информационная революция и её вызов власти. – М. : Ин-т проблем информационного права, 2004.
6. “Beginning Android™ 4 Application Development”, by Wei-Meng Lee, printed at Radha Offset, Delhi in 2015, pages – 533. Chapter-1. Getting started with Android programming

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-Амалий машғулот:

**ЎзМУ электрон таълим тизимида медиатаълим амалиёти.**

**Ишдан мақсад:** Ўқув жараёнида электрон таълим тизимини қўллаш ва медиатаълимни амалда жорий этиш кўникмасига эга бўлиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

Замонавий ахборот жамиятида медиатаълимнинг ривожини, замонавий ахборот технологияларининг олий таълим жараёнида қўлланилишини ўрганиш.

Таянч тушунчалар, ҳар бир мавзуга оид атамалар моҳиятини билиш.

Мавзу юзасидан сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш.

### Ишни бажариш учун намуна:

Тингловчилар қуйидаги **кўникмаларга эга бўлиши зарур:**

Медиатаълим тушунчасига тўлиқ эга бўлиши;

Медиапедагогика ресурсларини билиши;

Замонавий ахборот жамиятида медиатаълимнинг ривожини англаб етиш;

Замонавий ахборот технологияларининг олий таълим жараёнида қўлланилиши ҳақида билиши;

Медиатаълимни асосий мақсадини тушуниши;

Медиатаълим соҳасида халқаро ва миллий тажрибалар уйғунлигини билиши.

### Назорат саволлари:

1. Медиатаълим ва унинг пайдо бўлиши борасида нималарни биласиз?
2. Медиапедагогика ресурслари деганда нималарни тушунасиз?
3. Замонавий ахборот жамиятида медиатаълимнинг ривожини қандай амалга оширилади?
4. Замонавий ахборот технологияларининг олий таълим жараёнида қўлланилишини изоҳлаб беринг.
5. Медиатаълимни асосий мақсадлари нималардан иборат?
6. Медиатаълим соҳасида қандай халқаро ва миллий тажрибаларни биласиз?
7. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) қандай тараққиёт омили бўлиши мумкин?
8. Жамият тараққиётида “электрон ҳукумат”нинг ўрни қандай?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пахрутдинов Ш. Глобал ахборотлашган жамият ва медиатаълимнинг зарурияти. –Т.: ХТХҚТМОМИ. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

2. Пахрутдинов Ш. Медиатаълим: тараққиёт омили. –Т.: ХТХҚТМОМИ.  
[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. Прохоров. Е.П. Журналистика и демократия. –М.: Ас. Пресс. 2004.
4. Раҳматуллаев А. Медиатаълим-ўқув самарадорлиги муҳим омили – ТерДУ, // [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. Рашидова Д. Муратова Н. Интернет журналистика. Т.: Международнўй Центр переподготовки журналистов. 2007
6. Эшбеков Т. Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари. Ўқув қўлланма. –Т.: ЎЗМУ, 2012.
7. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **2-Амалий машғулот:**

### **Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллашда халқаро ва миллий тажрибалар уйғунлиги**

**Ишдан мақсад:** Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)га оид хужжатлар билан танишиб, “электрон ҳукумат” фаолияти билан танишиб, давлат бошқарувга АКТни жорий этиш амалиётини ўрганиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**  
 Ахборотлашган жамиятда медиатаълимнинг аҳамияти асослаб берилиши;  
 АКТ моҳияти тушунтириб бериши;  
 Таянч тушунчалар, ҳар бир мавзуга оид атамалар мазмунини билиши;  
 Мавзу юзасидан сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқларни изоҳлаб бериши лозим.

### **Ишни бажариш учун намуна:**

**Тингловчилар қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши зарур:**  
 Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) тараққиёт омилини билиш;  
 Жамият тараққиётида “электрон ҳукумат”нинг ўрнини билиш;  
 Давлат бошқарувга АКТни жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари ва босқичларини тушуниш;  
 Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ечиш йўналишларини билиш;  
 Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш сирларини билиш;  
 Ахборотлашган жамиятда медиатаълимнинг ўрнини тўғри тушуниш.

### **Назорат саволлари:**

1. Давлат бошқарувга АКТни жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари ва босқичларини изоҳлаб беринг.
2. Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ечиш йўналишлари нималардан иборат?
3. Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларидан

фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашда нималарга эътибор қаратилиши зарур?

4. Ахборотлашган жамиятда медиатаълимнинг ўрни қандай?
5. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қандай асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз?
6. Электрон ҳуқумат деганда нимани тушунасиз?
7. Электрон рақамли имзо нима мақсадда фойдаланилади?
8. Электрон ҳужжат нима?
9. Электрон ҳақида нималарни биласиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Пахрутдинов Ш. Глобал ахборотлашган жамият ва медиатаълимнинг зарурияти. –Т.: ХТХҚТМОМИ. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. Пахрутдинов Ш. Медиатаълим: тараққиёт омили. –Т.: ХТХҚТМОМИ. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. Раҳматуллаев А. Медиатаълим-ўқув самарадорлиги муҳим омили – ТерДУ, // [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
4. Рашидова Д. Муратова Н. Интернет журналистика. Т.: Международнўй Центр переподготовки журналистов. 2007
5. Эшбеков Т. Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари. Ўқув қўлланма. –Т.: ЎзМУ, 2012.
6. Путеводитель по социальным медиа – 2013. Ред. К.Мёллер и М.Стоун. Вена: Представитель ОБСЕ по вопросам свободы СМИ, 2013. URL: <http://www.osce.org/ru/fom/99564>
7. Голдберг Д. Интернет: развивающаяся политика, принципы, законы и саморегулирование на международном и национальном уровнях / Плюрализм и управление Интернетом. Тринадцатая центральноазиатская конференция СМИ (Душанбе, Таджикистан, 29-30 ноября 2011 г.) – Вена: Представитель ОБСЕ по вопросам свободы СМИ, 2012. – С. 29-78. URL: <http://www.osce.org/ru/fom/92328>
8. Прайс М. Масс-медиа и государственный суверенитет: Глобальная информационная революция и её вызов власти. – М. : Ин-т проблем информационного права, 2004.
9. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

### **3-амалий машғулот:**

**Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш усуллариини ўрганиш.**

**Ишдан мақсад:** маъруза, амалий ва виртуал лаборатория машғулотларини усуллариини Moodle тизими мисолида ўргатиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

1. Moodle платформаси имкониятлари ва хусусиятларини изохлаб бериши;



2. Moodle масофали таълим тизимида ўқув жараёнини ташкиллаштириш жараёнини тушутириши;

3. Moodle масофавий таълим тизимида назорат-саволлар турларини изоҳлаб бериши;

4. Moodle тизимида ўқитиш сценариясини тайёрлаш жараёнларини изоҳлаб бериши;

### **Ишни бажариш учун намуна:**

Тингловчилар қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Масофавий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкиллаштиришни билиш;

Moodle платформаси имкониятлари ва хусусиятларини билиш;

Moodle масофавий таълим тизимида назорат-саволлар турлари, администратор, курс муаллифи, тьютор, талаба ва меҳмонлар ҳақида билиш;

Moodle масофавий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкиллаштириш (маъруза, амалий ва виртуал лаборатория машғулотларини бошқичлари)ни билиш.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш амалиётини ўрганиш.

Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш жараёни билан танишиш.

Оммавий онлайн очик курслар (Coursera, edX, Khan Academy, MIT Open Course Ware) жараёнини ўрганиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хамидов В.С. Талим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида. <http://uz.infocom.uz/2009/12/21/talim-tizimida-keskin-burilishga-sabab-bolgan-4-dasturhaqida/>

2. [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Web-хостинг хизматини танлашда Сиз айнан UZINFOCOM Марказининг технологик майдончасидан фойдаланишинизгизни асослаб беринг?

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### Мустақил таълим мавзулари

1. Жамият тараққиётида медиатаълимнинг ўрни.
2. Таълим тизимида медиапедагогика
3. Медиатаълимни такомиллаштириш: халқаро ва миллий тажрибалар
4. Медиамаданият асослари
5. Замонавий коммуникация технологиялари тараққиёт омили
6. Ахборот соҳасидаги глобаллашув
7. Таълим тизимида оммавий ахборот коммуникацияларининг ўрни
8. Медиатаълимнинг оммавий мулоқот маданиятини шакллантиришдаги ўрни
9. Медиаматн тайёрлаш маҳорати
10. Медиамулоқотни ривожлантириш усуллари
11. Медиатаълимнинг асосий вазифалари
12. Медиатаълимнинг асосий йўналишлари
13. Таълим тизимини модернизациялашда медиатаълимнинг ўрни
14. Медиатаълимнинг асосий мазмун-моҳияти: назария ва амалиёт
15. Медиатаълимнинг ўқув жараёнини такомиллаштиришдаги ўрни
16. Медиатаълимнинг педагогик стратегияси
17. Медиатаълимнинг тарбиявий, таълимий аҳамияти
18. Ахборот маданиятини шакллантириш омиллари
19. “Ахборот хуружлари”га қарши курашда журналист маҳорати
20. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали ([www.gov.uz](http://www.gov.uz)) – интерфаол давлат хизмати
21. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) тараққиёт омили
22. Жамият тараққиётида «Электрон ҳукумат»нинг ўрни
23. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари
24. АКТнинг телекоммуникация тизимларини ривожлантиришдаги ўрни
25. Онлайн тизими: назария ва амалиёт
26. АКТнинг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни
27. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш омиллари

28. Ахборотлашган жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари
29. Медиатаълим: мулоқот маданияти
30. Медиясаводхонлик омиллари
31. Билимлилик категорияси
32. Медиамаданият ва медиаменталитетнинг узвийлиги

## VII. ГЛОССАРИЙ

№	Атама	Ўзбекча	Инглизча
1	ахборот ресурси <b>Information resource</b>	ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси	electronic information in the part of information system, bank of information, base of information
2	ахборот технологияси <b>Information technology</b>	ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар	all methods, devices, and processes, which is used to collect, save, search, work and distribute information
3	Билимлар базаси <b>Base of knowledge</b>	бирор фан соҳасига оид объектларнинг хоссалари, жараён ва ҳодисаларнинг қонуниятлари ҳақида маълумотларни ўзида мужассамлаштирган, талаб этилган вазиятларда ушбу маълумотларни фойдаланиш қоидаларига эга бўлган ҳолда ташкил этилган билимлар йиғиндиси	that is knowledge, which is used to identify the cases and peculiarities of one subjects criteries
4	Браузер <b>Browser</b>	интернет билан ишлашни таъминлайдиган дастур	a program, which provides to work with Internet
5	Internet explorer <b>Internet explorer</b>	интернет билан ишлашни таъминлайдиган дастур	a program, which provides to work with Internet
6	IP (Internet protocol) манзили <b>IP (Internet protocol) address</b>	компьютернинг интернет тармоғидаги манзили	that is an address of computer in the Internet system

7	<b>LMS (Learning Management Systems) LMS (Learning management system)</b>	Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизим	a system, which runs the processes of virtual education
8	<b>On-line машғулот Online training</b>	барча қатнашувчи (талабалар ва ўқитувчи)лар интернет орқали ахборот алмашиниш йўли билан ўзаро алоқа қиладиган ўқув машғулоти кўриниши	the aspect in which all the participants (students and teachers) exchange the information
9	<b>On-line муҳокама Online discussion</b>	электрон доскаларда бирор мавзунини айна вақтдаги муҳокамаси	that is a discussion of one topic on the blackboards
10	<b>On-line ўқиш Online study</b>	интернет технологияларига асосланган таълим муҳитидан фойдаланиб ўқув материалларини ўрганиш жараёнини ташкил этиш усули	a way of studying learning all the materials in the Internet
11	<b>Видеоанжуман Videomeeting</b>	турли географик манзиллардаги фойдаланувчи гуруҳлари орасида рақамли видеоёзув ёки оқимли видео кўринишида маълумотларни алмашиниш асосида йиғилиш ва мунозаралар ўтказиш жараёни	that is a process of the held meeting in order to exchange information with each other
12	<b>Виртуал аудитория Virtual audience</b>	ўқув жараёнининг ўқитувчиси ва бошқарувчисининг маслаҳатини олиш учун тармоқ технологияси ёрдамида турли географик жойларда яшаётган талабаларни	that is joining students, who live all around the world, in order to gain advice with the help of network system



		бирлаштириш	
13	<b>Виртуал ҳақиқийлик</b> <b>Virtual actuality</b>	ўрганишга мўлжалланган мураккаб жараёнларда бўладиган ҳодисаларни аудиовидео тизими орқали ўқувчи тассавуридаги мавҳум кўриниши	that is an abstract view of the reader's imagination which happens in the mixed situation
14	<b>Гипермедиа</b> <b>Hypermedia</b>	матндан ташқари мультимедиа имкониятларини ҳам ўзида мужассамлаштирган маълумотларга йўл кўрсатувчи ҳужжатлар	documents which shows the way to the multimedial places of one system
15	<b>Гипермуножаат</b> <b>Hyperaddress</b>	тагига чизилган ёки қандайдир бошқа усулда ажратиб кўрсатилган сўз ёки жумла бўлиб, гиперматли тизимнинг бошқа блок, ҳужжат, гипермуҳит саҳифаси, гиперматнини кўрсатиш имкониятини беради	it may be underlined or other structured directions, which shows the way to other places
16	<b>Глобал тармоқ</b> <b>Global network</b>	минтақавий (қитъалардаги) компьютерларни ўзида бирлаштириш имконига эга бўлган тармоқ	a system, which connects all the computers all over the world
17	<b>Дидактик воситалар</b> <b>Didactic means</b>	ўқув фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширувчи педагогик воситалар	these are pedagogical systems that help improve the learners' education skills
18	<b>Дидактик материал</b> <b>Didactic material</b>	фойдаланилганда ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштириш, ўқув	a special view of annuels when you are using them, you will activate your

		вақтини иқтисод қилишни таъминлайдиган ўқув машғулоти учун мўлжалланган қўлланмаларнинг махсус кўриниши	knowledge, provide to econom studying time
19	<b>Дизайн Design</b>	ўқув материални ифодалаш (тавсифлаш, намойиш) усули	the way of expressing studying materials
20	<b>Домен номи The name of domen</b>	ахборот ресурсига ёки ахборот тизимига берилган, уларни Интернет жаҳон ахборот тармоғида идентификациялаш учун хизмат қиладиган ноёб ном	the unique name which is given to information resources or or information systems which is identificate in the Internet
21	<b>Домен номлари тизими The system of the names of domen</b>	Интернет жаҳон ахборот тармоғида домен номларини бериш, рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби	the system of giving names and using them in the Internet
22	<b>Интерактив ўзаро алоқа Interactive connection</b>	электрон почта, эълонлар электрон доскаси, онлайн мавзули муҳокамалар, чат, аудиоанжуман, видеоанжуман, маълумотлар ва файллар билан алмашилиш, умумий тармоқ иловаси ва бошқаларни ўз ичига олган компьютер билан ўзаро алоқа қилиш, «инсон-машина» мулоқоти	that is a system in which all the users can exchange their information very quickly
23	<b>Интернет-дарслик Internet textbook</b>	маълум фан бўйича ягона интерфейс билан таъминланган, интернетга	the Internet metodic manuel and situated in the Internet

		жойлаштирилган, доимий равишда ривожланадиган ўқув- методик мажмуа	
24	<b>Интернетнинг ахборотли қисми The Informational part of Internet</b>	интернет тармоғида мавжуд бўлган турли электрон ҳужжат, график, расм, аудио, видео ва бошқа кўринишидаги ахборотлар мажмуи	all the collections of text, graphic, photo, audio, video in the Internet
25	<b>Кейс-технология Case technology</b>	масофавий ўқитишни ташқил қилишнинг шундай услубики, масофавий таълимда матнли, аудиовизуал ва мультимедиали (кейс) ўқув услубий материаллар мажмуаси қўлланишга асосланади	that is a program, which provides to create a new textual, audiovisual and multimedial manuals
26	<b>Компьютер дарслик Computer textbook</b>	ўқув фани ёки унинг бўлимини мустақил ўзлаштириш имкониятини таъминлайдиган дастурий-методик мажмуа. Компьютер дарслиги ўзида оддий дарслик, маълумотнома, масалалар ва мисоллар тўплами, лаборатория амалиётларининг хусусиятларини бирлаштиради	a textbook which is suitable to work in the Internet
27	<b>Масофавий таълим (МТ) Distancial education</b>	таълимни масофавий ўқитиш усул ва воситалари орқали ташқил қилиш шакли	a construction of building distancial study
28	<b>Масофавий таълим tizimi (МТТ) Distancial education system</b>	масофавий технологияларни қўллаб масофавий таълимни ташқил	that is a system of a construction of building distancial study

		этиш ва амалга оширишга жалб қилинган ўқув-тарбиявий, ташкилий, телекоммуникация, педагогик ва илмий манбалар мажмуаси	
29	<b>Масофавий ўқитиш Distancial studying</b>	ахборот - коммуникация технологияси (компьютерлар, телекоммуникациялар, мультимедиа воситалари)га асосланган, тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ташкиллаштирилган таълим шакли	that is a system of a construction of building distancial study using information technologies
30	<b>Маълумотлар базаси The base of information</b>	реал объект ва унинг қисмлари ҳақидаги тизимлашган маълумотлар тўплами	the collection of information about one real thing
31	<b>Мультимедиа Multimedia</b>	ахборотни (матн, расм, анимация, аудио, видео) ифодалашнинг кўп имкониятли тақдим этилиши	the effective ways of giving information
32	<b>Педагогик ахборот технологиялари Pedagogical information technologies</b>	компьютер, тармоқ технологияси ва дидактик воситаларни фойдаланишга асосланган технологиялар	technologies which are used to use the computer technologies and didactic means
33	<b>Сайт Site</b>	графика ва мультимедиа элементлари жойлаштирилган гипермедиа ҳужжатлари кўринишидаги мантиқан бутун ахборот	information, which are graphical and multimedial elements

34	<b>CMS (Content Management Systems) CMS (Content Management System)</b>	Ички контентни бошқарув тизимлари	the systems to controll inner content
35	<b>Форум Forum</b>	сайт орқали мулоқот қилиш шакли. Форумдаги ахборотларнинг ҳар бири муаллифи, мавзуи ва ўзининг мазмунига эгадир	the way of connecting with the Internet
36	<b>Чат Chat</b>	ахборот алмашиш реал вақтда олиб бориладиган интернетдаги мулоқот	the meeting in order to exchange information in the Internet
37	<b>Electronic document электрон ҳужжат</b>	электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот	a document, which is created in computer

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Джайлаов А.А. Давлат бошқарув органларига ахборот коммуникация технологияларни жорий этиш йуналишлари. –Т.: ТАТУ. // [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. Дўстмухамедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. Монография. Т., “Янги аср авлоди”, 2007 йил.
3. Интернет журналистика Т.: НУУЗ. 2003
4. Vendors of Learning Management and E-learning Products, By Don McIntosh, Ph.D.(2013). For Trimeritus eLearning Solutions, Inc. <http://www.trimeritus.com>, Updated Nov. 20, 2013
5. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. Олий таълим муассасалари учун/ А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. ЎЗМЭ давлат илмий нашриёти. -Т.: 2008, 196 б.
6. Бегимкулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш.// “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004 – 25-25 бетлар.
7. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари ва истиқболлари // “Info. Kom Uz” жур. № 3, 2006.- 64-65 бетлар.
8. Хамидов В.С. Эркин ва очик кодли LMS тизимлар таҳлили, infocom.uz журнали №7,8. 14 бет, 2013 й.
9. Хамидов В.С. “Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлар” модули бўйича Маъруза. Тошкент – 2015
10. Пахрутдинов Ш. Глобал ахборотлашган жамият ва медиатаълимнинг зарурияти. –Т.: ХТХҚТМОМИ. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
11. Пахрутдинов Ш. Медиатаълим: тараққиёт омили. –Т.: ХТХҚТМОМИ. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
12. [www.mtrk.uz](http://www.mtrk.uz)
13. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
14. <http://www.active.uz/>
15. Packard A. Digital Media Law. – Oxford: Wiley-Blackwell, 2013.
16. Internet: case-law of the European Court of Human Rights. Strasbourg: European Court of Human Rights, 2011. См.: [http://www.echr.coe.int/NR/rdonlyres/E3B11782-7E42-418B-AC04-A29BEDC0400F/0/RAPPORT\\_RECHERCHE\\_Internet\\_Freedom\\_Expression\\_EN.pdf](http://www.echr.coe.int/NR/rdonlyres/E3B11782-7E42-418B-AC04-A29BEDC0400F/0/RAPPORT_RECHERCHE_Internet_Freedom_Expression_EN.pdf)
17. Регистрация средств массовой информации в регионе ОБСЕ. Специальный доклад Представителя ОБСЕ по вопросам свободы СМИ. – Вена, 2006. URL: <http://osce-fom.cjes.ru/docs/?did=7.4>. Европейская Конвенция по защите прав человека: право и практика. URL: <http://www.echr.ru/>.